БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 134 (17.118). ● 13 июнь 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

ДАЛАГА — СИФАТ БЕЛГИСИ

Сурхондарё областидаги қўриқ ерда жойлашган Ленин номли совхознинг бир қанча карталарида сифат белгиси тасвирланган тахтачалар кўзга ташланади. Хўжаликда экиларни парвариш қилиш даврида энг яхши пахтакорлар меҳнатини шу тариқа нишонлашга аҳд қилинган. Бош мутахассислардан иборат комиссия бўлимлар раҳбарларининг тақдимига биноан ана шундай белгини олиш ҳуқуқини белгилайди. Далаларнинг аҳволига баҳо берилганида гектарларнинг тўла-тўкислиги, ғўза парвариши ва суғоришнинг сифати, ўсимликларнинг бараварлиги ҳисобга олинади. Агар бригададаги карталарнинг ҳаммасига (одатда бригадада бир қанча шундай карталар бўлади) сифат белгиси берилса, ғўза парвариши мавсумининг охирида ишчиларнинг ҳаммасига ва бригада бошлиғига бир ойлик маош бараварида пул мукофоти берилади.

ЯГОНА ОИЛАДА

Мамлакатимиз халқлари уларнинг муштарак орзу ва ирода-ларини ифодалоачи ўз янги Конституцияларига мувофиқ равишда аҳил оила бўлиб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Конституция совет жамияти тарихида, барча социалистик миллатларнинг бундан кейин янада ривожланиши ва бир-бирига яқинлашувида шонли босқич бўлиб қолди.

СССР Асосий Қонунидан кейин, унинг ғоялари ва принципларига тамомила мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ва ҳар бир иттифоқдош ҳамда автоном республиканинг ўз хусусиятларини ҳисобга олган янги Конституциялари кучга кирди. Етук социализм жамиятининг ижтимоий ва давлат ҳаётини Конституцияда расмийлаштириш, бизнинг кўп миллатли умумхалқ давлатимиз қонунлари бутун системасининг пойдеворини яратиш соҳасидаги катта ишлар мана шу муҳим сиёсий ҳужжатлар тасдиқланиши билан ниҳоясига етди. Республика Конституцияларининг қабул қилинганлиги ленинча миллий сиёсатнинг тантанасини кўрсатувчи ғоят катта воқеа бўлиб, совет кишиларидаги чуқур интернационализмнинг яна бир ифодасидир.

КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, партия илгари сурган бунёдкорлик режаларини амалга ошириш йўлида биргаликда олиб борилаётган кураш СССР халқларини тобора жипслаштирмоқда. Улар ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам мамлакатнинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини тезлаштирувчи жуда катта кучдир. Барча миллатлар ва элатларнинг фидокорона куч-ғайрати ягона бир жонли, ижодий оқимга бирлашмоқда. Бу фидокорона ишлар ўнинчи беш йилликда қилинаётган кўпгина бунёдкорликларда ўз ифодасини топмоқда. Жуда кенг районларнинг қиёфасини ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Умумиттифоқ миқёсидаги программаларнинг бажарилиши халқлар интернационал бирлигининг иқтисодий базасини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Мазмунан социалистик ва ўз миллий шакли жиҳатидан ҳилма-ҳил совет маданияти тобора барқ уриб яшнамоқда, борган сари сермазмун бўлмоқда.

Мана шу ажойиб муваффақиятлар мамлакатимиз меҳнаткашларида умуммиллий совет ифтихори туйғусини туғдирмоқда. Меҳнаткашлар умуман Иттифоқда бўлгани сингари ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий кучларини ривожлантиришга бутун совет халқининг меҳнати ва истеъдоди қўшилганлигини кўриб, ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Мамлакатдаги барча миллатлар ва элатлар манфаатлари ва мақсадларининг муштараклиги, уларнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги — социалистик турмуш тарзимизнинг ажралмас белгисидир.

СССР Конституциясида ва республикалар Конституцияларида қонун билан мустаҳкамланган тарихий тажриба социализмнинг бебаҳо ғалабаси, куч-қудратимизнинг, коммунистик истиқбол сари ғолибона ҳаракатимизнинг қудратли манбаи бўлган ленинча халқлар дўстлигининг улуғвор аҳамиятини очиб беради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев иттифоқдош республикалар Конституцияларини тайёрлаш ва қабул қилиш соҳасидаги ишлари якунлаб бундай деди: «Барча республикаларимиз экономикаси ва маданияти, ҳамма социалистик миллатларимиз ва элатларимизнинг гуркираб ривожланаётганлигини айтиш мумкинки, ҳаёт нафасининг ўзи ҳар бир совет миллатини, барча совет кишиларининг қардошларча ҳамкорлиги, уларнинг миллий маданиятлари бир-бирини ўзаро бойитиши, бутун улуғ Советлар мамлакатининг умумхалқ, умумдавлат проблемалари муваффақиятли ҳал этилиши — бизнинг бундан буёнги равнақимизнинг гаровидир, деган оддий хулосани чиқаришга олиб келмоқда. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги бўлмиш совет халқи бузилмас бирлигининг негизи мана шундан иборат».

Миллатларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва бир-бирига яқинлашишидан иборат қонуний жараён жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини ва бўғинларини қамраб олмоқда. Бу эса СССР халқлари ахлоқий, маънавий бойликларининг бир-бири билан тобора уйғунлашиб, бирлашиб бораётганлигини ва бир-бирига таъсир қилаётганлигини, кишилар дунёқараши, характери, ҳулқ-атворининг умумсовет анъаналари ва хусусиятлари вужудга келаётганлигини ва ривожланаётганлигини билдиради. Шу билан бирга ёш жараён — социалистик тузумнинг ўз интернационалистик моҳиятига зид бўлган ўтмиш сарқитларини оғишмай бартараф этиш ва тас-туби билан йўқотиш жараёнидир.

Бизнинг партиямиз миллий муносабатларнинг ривожланиши етук социализм босқичида ҳам янгидан-янги проблемаларни келтириб чиқаришини назарда тутади. Партиямиз бу проблемаларни ҳамиша ўзининг диққат марказида тутиб, уни бутун мамлакатнинг ва ҳар бир республиканинг, ҳар бир айрим миллатнинг манфаатларини кўзлаб ҳал этади. Ленинча миллий сиёсат принципларини ривожлантирувчи ва конкретлаштирувчи XXV съезд ҳамда КПСС Марказий Комитетининг қарорлари халқларнинг миллий хусусиятларига чуқур ҳурмат билан суғорилган. Партия миллий хусусиятларнинг назар-писанд қилинмаслигига ҳам, бўрттириб юборилишига ҳам йўл қўймаган ҳолда, улуғ Ленин васият қилганидек, «ўзининг тор миллий доираси билан чекланиб қолишга, бирқиликка, маҳдудликка қарши», баъзан маҳаллийчилик тенденциялари орқали патриархалчиликни мақташга ўринишларга, тарихий воқеаларга баҳо беришда носинфий ёндашишда ўз ифодасини топадиган миллий ҳудбинлик ва манманликка қарши қатъий кураш олиб бормоқда.

Миллатчилик хурофотларининг ҳар қандай кўринишларини тугатиш мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг манфаатларига, СССР Конституциясининг асосий принципларига мос бўлиб тушади. Партия турли ирқларга ва миллатларга мансуб гражданларнинг ҳуқуқлари тенглигини мустаҳкамлаб берган ҳолда, гражданларни ирқи ва миллатига қараб уларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки бошқа йўллар билан чеклаш, уларга бевосита ёки бошқа йўллар билан имтиёзлар бериш, шунингдек, ирқий ёки миллий мумтозликни, душманчилик ёки назар-писанд қилмасликни тарғиб қилиш қонун билан жазоланишини уқтириб ўтади.

Коммунистик қурилиш ҳамда янги кишини камол топтирмиш манфаатлари меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш ишларининг ғоявий савиясини янада оширишни талаб қилади. Республикаларнинг партия ташкилотлари меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш, оммада интернационалистик онгликни кучайтириш соҳасида бой тажриба тўпладилар. Улар барча совет кишиларида ягона ва аҳил оила бўлиб яшаш, халқлар дўстлигини кўз қорачиғидек асраш ва ривожлантириш борасида кўпгина ишларни қилмоқдалар. СССРнинг Асосий Қонунини, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституцияларини кенг пропаганда қилиш ва ўрганиш, ҳар бир совет гражданининг Конституцияда белгиланган бурчини — бошқа гражданларнинг миллий қадр-қимматини ҳурматлаш, кўп миллатли Совет давлатидаги миллатлар ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш. бурчини чуқур тушунтириш — жуда катта аҳамиятга эгадир.

Коммунистик партия марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаётган совет кишилари оташин ватанпарвар ва эътиқодли интернационалистлардир. Улар барча социалистик миллатларнинг бир-бирига тўла ишончига, тенг ҳуқуқлилигига ва ўртоқларча ҳамкорлигига асосланган бирлиги туфайли қудратлидир. Халқларнинг бузилмас дўстлиги уларнинг фаровонлиги ва бахт-саодатининг, кўп миллатли Ватанимиз куч-қудрати ва гуллаб-яшнашининг мустаҳкам гаровидир.

(«ПРАВДА» газетасининг 12 июндаги бош мақоласи).

УЛКАН ИРРИГАЦИЯ ИНШООТИ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ.

●

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР КУНЛАР БОШЛАНДИ.

●

ҲАР БИР ИШДА САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ БЎЛСИН!





СИРДАРЁ СУВИ ЧЎЛГА ОҚМОҚДА

Партия XXV съездида Жиззах чўлини комплекс ўзлаштиришдан иборат улкан вазифа қўйилди. Бу кўрсатмани ҳаётга татбиқ этиш учун қурашда қурувчилар ва монтажчилар мардона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўнинчи беш йиллик планида назарда тутилган Жиззах бош насос станцияси қурилиши ёрдамида янги ўзлаштирилаётган совхозларнинг 183 минг гектаридан ортиқ ерларини суғориш мумкин бўлади. Насос станцияси А. А. Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл каналининг чап қирғоғи бўйлаб тез суръатлар билан барпо этилмоқда.

Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ирригация иншооти қурилишида анчагина ишлар бажариб қўйилди. 10 миллион куб метрдан зиёд тупроқ ишлари адо этилди. Станция биносига ва унинг иншоотларига 60 минг куб метр бетон ётқизилди. 8 минг тонна арматура ва металл конструкциялар монтажланди. Бундан ташқари 2,5 километр узунликда 4 метрдан зиёдроқ диаметрдаги металл трубопровод қурилди. У Сирдарё сувини 25 метр баландликка кўтариб, янги ерларга таратади.

Бу ишларни бажаришда қатор қурилиш ва монтаж ташкилотлари фаол қатнашмоқдалар. «Голодностепстрой» территориал бошқармасига қарашли 54, 53-механизациялашган кўчма колоннаси, «Гидрострой» трестининг азаматлари, «Ирмонтажстрой» шербиликлари, насос станцияси орқали асрий чўл оралаб бораётганлигини ҳаяжон билан кузатади. Сирдарёнинг чўл оралаб бораётган тансиқ суви Жиззах магистрал канали орқали оқиб ,областнинг қўриқ ерларига тарала бошлади.

Жиззахнинг унумдор ерларини ўзлаштириш ҳақидаги ўзбек халқининг азалий орзулари амалга ошди. Ҳозирча насос станцияси Сирдарёдан чиқариб бераётган сувни областдаги совхозлардан тўрттаси олмоқда. 3, 4, 11 ва 12-пахтачилик совхозларининг 13 минг гектардан зиёд ерлари ғўзалари ана шу обиҳаётдан баҳраманд бўлмоқда.

Бош насос станциясининг дастлабки агрегати чўлда юқори ҳосил етиштириш ишига хизмат қила бошлади. Лекин насос станциясининг бошқа участкаларида қурилиш ишлари тобора қизғин тус олянти. Монтажчилар станциянинг иккинчи агрегатини ҳам қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш учун сўз бериб, шу мажбуриятга яраша баракали меҳнат қилмоқдалар. Ана шу агрегат ҳам фойдаланишга топширилгач, қўриқ совхозларнинг ерларини суғориш икки ҳисса ортади.

Жиззах бош насос станцияси қурувчилари дастлабки меҳнат ғалабасидан илҳомланиб, Жиззах чўлини машина ёрдамида суғориш иншоотларининг дастлабкиси бўлмиш бу станциянинг барча агрегатларини фойдаланишга топшириш муддатларини қисқартириб боришга қарор бердилар.

* * *

Суратда: 2,5 километр узунликдаги металл трубопровод. У сувни насос станциясидан олиб, Жиззах магистрал каналига узатади. Пастда эса Жиззах бош насос станцияси ва магистрал каналнинг сув ўтказгич иншооти.

В. Нудлер фотолари.

ЖИЗЗАХ БОШ НАСОС СТАНЦИЯСИДА ТАНТАНАЛИ МИТИНГ

●

«Обручевосовхозстрой» трестининг 31-колоннаси ва бошқа коллективлар алоҳида меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли ташкилотлар қурилиш ишларини жадаллаштиришда ғайрат отига қамча босмоқдалар.

«Главсредазирсовхозстрой» ташкилотларининг қўриқ ерларда олиб бораётган шонли ишлари тарихида яна бир саҳифа очилди. Ўрта Осиёда йирик ҳисобланган Жиззах бош насос станциясининг бунёдкорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Икки йил мобайнида олиб борилган қизғин меҳнат беллашувлари самараси сифатида қўриқ ерларни ўзлаштиришга имкон берувчи яна бир иншоот ишга тушди. Ўтган куни Жиззах бош насос станциясининг дастлабки агрегати фойдаланишга тахт қилиб қўйилганлиги ҳақида рапорт берилди.

Ана шу воқеага бағишлаб ўтказилган кўп кишилик митингда «Голодностепстрой» ва «Джизакстепстрой» территориал бошқармалари ихтиосослашган ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, қўриқ совхозлар меҳнаткашларининг, Сирдарё ва Жиззах областлари партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров митингни қисқача кириш нутқи билан очади. Митингда сўзга чиққан «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, «Гидрострой» трести 54-кўчма механизациялашган колоннасининг ишчиси С. Гильфанова, «Ирмонтажстрой» трести монтажчилар бригадасининг бошлиғи В. Горкуша, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри ўринбосари В. Ф. Маховиков, Жиззах областидаги 3-совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи М. Фозилова ва бошқа ўртоқлар бош насос станцияси бунёдкорларининг меҳнатига юксак баҳо бердилар. Улар КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш соҳасида кўрсатаётган катта гамхўрликлари, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, янги қўриқ ерларни ўзлаштиришда кўрсатаётган доимий ёрдамлари учун қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Қизғин қарсаклар остида қизил лента қирқилади. Суғориш канали қиргоғида ажойиб манзара кўзга ташланади: ҳамма Сирдарё сувининг

НИҲОЛЛАР БАРАВЖ

Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхознинг Рўзман Турдиев бошлиқ бригадасининг пахта даласига мутахассислар энг юқори баҳо бердилар. Ана шу даладаги ғўзалар хўжаликда жуда бараввждир.

Деҳқонлар чигит экилганидан кейин унинг устини юпқа гўнг билан ёпиб чиқдилар. Бу экилган чигитнинг бир текис униб чиқиши учун энг кўп ҳарорат ва озуқавий шароитлар бўлишини таъминлади. Механизаторлар одатда ҳар гал ёмғирдан кейин экинни енгил борона қилиб, тупроқни чуқур юмшатадилар, ягона қиладилар. Ҳар гектар майдонда камида 120 минг туп кўчат қолдирилди. Бригада ҳозир экинларни учинчи комплекс парвариш қилишни бошлади.

Рўзман Турдиев ва унинг ўртоқлари 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнер «оқ олтин» ҳосили олишга аҳд қилдилар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилади:

Жалолқудуқ райони (район партия комитетининг секретари А. Комилжонов, район ижроия комитетининг раиси А. Жўраев, район комсомол комитетининг секретари Я. Раҳимов, бош пилла қуритиш идорасининг директори Х. Орзиев).

Нурота райони (район партия комитетининг секретари Х. Худойқулов, район ижроия комитетининг раиси С. Ортиқов, район комсомол комитетининг секретари А. Эшонқулов, бош пилла қуритиш идорасининг директори Б. Фахриддинов).

Ленинобод райони (район партия комитетининг секретари Я. Қурбонов, район ижроия комитетининг раиси А. Полвонниёзов, район комсомол комитетининг секретари М. Қидирбоев, бош пилла қуритиш идорасининг директори У. Аташова).

Кегайли райони (район партия комитетининг секретари Н. Қўйлибоев, район ижроия комитетининг раиси М. Юсупов, район комсомол комитетининг секретари П. Мамбетниёзов, бош пилла қуритиш идорасининг директори Б. Сапарова).

Бахмал райони (район партия комитетининг секретари А. Ҳакимов, район ижроия комитетининг раиси К. Муҳаммадиева, район комсомол комитетининг секретари А. Элмуродов, бош пилла қуритиш идорасининг директори А. Султонов).

ТЎЛА ГЕКТАРЛАР

АНДИЖОН ОБЛАСТИ (Телефон орқали). Ленин районидаги «Правда Востока» колхози пахтакорлари об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, тўла гектарлар бўлишини таъминладилар. Шу кунларда миришкор деҳқонлар ғўза парваришига зўр бермоқдалар. Колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Ёқубов бошлиқ бригадасида яхши ва сифатли парваришланган ғўзалар гул кўрсатди. Бригада азаматлари ҳосил ниҳоларини янада кўпайтириш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

«Коммунизм» колхозидаги Нўъмонжон Маматалиев бригадасида ҳам икки марта сифатли ишлов берилган ғўзалар гуллади.

Қ. ТОЖИМАТОВ.

ШВЕЦИЯ ҚИРОЛИ ТОШКЕНТДА

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноат расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Швеция қироли Карл XVI Густав ва қиролича Сильвия 11 июнь куни Киевдан Тошкентга келишди. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Ф. Ватченко, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, СССРнинг Швециядаги элчиси М. Д. Яковлев олий мартабали меҳмонга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Швеция қироли ва қиролича билан бирга уларга ҳамроҳ бўлган Швеция давлат арбоблари, шунингдек Швециянинг СССРдаги элчиси Г. Рюдинг ҳам Тошкентга келди.

Швеция, Совет Иттифоки ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, министрлар, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари меҳмонларни самимий табриклидилар. Болалар уларга гулдасталар тақдим этдилар.

12 июнь куни Швеция қироли Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов ҳузурига ташриф буюрди. Дўстона суҳбат вактида олий мартабали меҳмон экономика ва маданиятни ривожлантиришда Ўзбекистоннинг эришган ютуклари билан таништирилди.

Швециядан келган олий мартабали меҳмонлар республика Халқ хўжалик ютуклари виставкасида бўлдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районлари билан таништилар. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозини бориб кўрдилар.

Киролича Сильвия Ўзбекистон амалий санъат музейини бориб кўрди.

Швеция қироли ва қиролича шарафига шу куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати номидан зиёфат берилди.

ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛАДИ!

ЖИЗЗАХ, 12 июнь. (ЎзТАГ). Жиззах областининг пахта далаларида моторларнинг гувиллаши тинмаяпти: деҳқонлар экинларни комплекс парвариш қилмоқдалар. Улар ёғингарчилик, об-ҳавонинг салқин келиши туфайли ривожидан оркада қолаётган ғўзаларни меҳр билан парвариш қилиб, шу қолоқликни бартараф этмоқдалар. Бугун бўлиб ўтган область қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида мураккаб об-ҳаво шароитларининг оқибатларини тугатиш учун колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари қабул қилган тадбирлар муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров қишлоқ хўжалик ишларининг аҳволи ҳамда область колхоз ва совхозлари меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида ахборот берди.

Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Х. Исроилов, Мирзачўл районидаги «Узбекистон» совхозининг директори И. Охунова, Жиззах районидаги «Москва» колхози партия комитетининг секретари А. Эргашев, Зомин районидаги «Зомин» совхозининг комбайнчиси Д. Саидқулова, Фориш районидаги «Чимқўрғон» совхози бўлимининг бошқарувчиси Д. Сахов шуни қайд этдиларки, область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб қилган сафари вақтида берган маслаҳатлари ва тавсияларини амалга ошира бориб, беш йиллик учинчи йилини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан нишонлашга интилмоқдалар. Кўпгина хўжаликларда мўл ҳосил тўплаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Жиззах районидаги «Москва» колхози, Сегизбоев номли совхоз бунинг учун мисол бўла олади. Бу колхоз ва совхозда техникадан, далаларни бегона ўтлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш воситаларидан юксак самарали фойдаланилмоқда. Бу хўжаликларда коммунистлар билан комсомолларнинг ташаббуси асосида пахтакорлар ҳар бир картадаги ғўзаларнинг баравж ўсишига эришмоқдалар.

Шу билан бирга кенгаш қатнашчилари баъзи жойларда агротехника қоидаларига риоя этилмаётганлигини, бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш кўнгилдагидек эмаслигини уқтириб ўтдилар. Айрим хўжаликларда энг яхши бригадаларнинг тажрибаси суст оммалаштирилмоқда, фан ва илғор тажриба ютуқларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, ишчи кучи етишмаётган Жиззах дашти шароитларида техникага асосий эътибор берилиши керак. Механизаторлар икки сменада ишлашни ташкил этиш, хўжаликларнинг ремонт хизматини такомиллаштириш зарур. Ҳосил учун курашда муваффақиятга эришмоқ учун культивация билан бир вақтда экинлар озиқлантирилиши, ҳамма жойда шарбат усулида суғориш ташкил этилиши керак. Социалистик мусобақанинг маънавий ва моддий стимулларидан моҳирона фойдаланиш, далада ишлаётган кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилиш жуда муҳимдир.

Жиззах дашти — ғаллачиликнинг йирик эгоси. Ғаллани тез ва нобуд қилмай тўғри йиғиб олиш, ўрим-йиғим транспорт отрядларининг юксак самарали ишлашини ташкил этиш ҳозирги вақтдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Чорва моллар учун икки йиллик ем-хашак запасини энг яхши агротехника муддатларида тайёрлаб қўйиш лозим.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш областдаги колхоз ва совхозларнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қабул қилди. Унда вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган. Мурожаатда таъкидланадики, 300 минг тонна пахта олиш, 310 минг тонна дон, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун мусобақани янада кенг авж олдириш — жиззахлик деҳқонларнинг энг асосий бурчидир.

РАЙКОМ ВА ХАЛҚ МАОРИФИ

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

Халқ маорифини ривожлантириш, ёш авлодга таълим ва тарбия беришни яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки истиқбол эгалари бўлган фарзандларимизнинг камолоти, уларнинг коммунистик қурилишнинг актив иштирокчилари бўлиб етишишлари, кўп жиҳатдан, мактабларда ўқув-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилишига, партия ташкилотларининг бу борадаги раҳбарлик маҳорати ҳамда амалий ёрдамига боғлиқдир. Хусусан ғоявий-тарбиявий ишнинг самарадорлигини оширишда, янги мактаблар, мактабдан ташқари ва мактабгача болалар муассасалари қуриш, мавжудларини кенгайтириш ҳамда ремонт қилишда жамоатчилик катта роль ўйнайди.

Партия ташкилотлари халқ маорифини ривожлантириш ишига жамоатчиликнинг эътиборини жалб этишлари, унинг кучи ва имкониятларидан кенг фойдаланишлари зарур. Шунда мактаблар, мактабдан ташқари ва мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаблар, болалар боғча ва яслилари биноларини ремонт қилиш, мактабларда спорт заллари ва майдончалари, медицина пунктлари, ошхона ва буфетлар барпо этиш ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш соҳасида кўнгилдагидек натижаларга эришиш мумкин.

Бу борада районимизда маълум тажриба тўпланган. Район партия комитети ҳар йили халқ маорифи органлари, корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар, колхоз ва совхозлар иштирокида мактаблар, мактабдан ташқари ва мактабгача болалар муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқади. Шунга биноан ҳар бир корхона, қурилиш ва транспорт ташкилоти, муассаса, колхоз ҳамда совхоз коллективи ўз оталиғидаги мактаб учун янги бино қуриш ёки мавжуд мактаб биносини кенгайтириш, мактаб, болалар боғча ва яслиси биноларини ремонт қилиш, мактаблар учун зарур маданий-маиший, спорт объектларини барпо этиш, мактаблар ва болалар муассасаларига жиҳоз сотиб олиш учун маблағ ажратиш юзасидан ўз зиммасига аниқ мажбуриятлар олади.

Масалан, район партия, совет ва жамоат ташкилотлари мактаблар, мактабдан ташқари ва мактабгача болалар муассасаларини 1977-1978 ўқув йилига тайёрлаш юзасидан белгиланган ҳамда Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги маъқуллаган тадбирларда 1-«Далварзин» совхози коллективи ўз оталиғидаги 12, 14, 15, 24, 47 ва 49-мактабларнинг биноларини, ўқув устахоналари, ошхона ва буфетларини, ўқитувчиларнинг уйларини капитал ҳамда жорий ремонт қилиш, 12-мактаб учун 320 ўқувчига мўлжалланган қўшимча бино қурилишини бошлаб юбориш, 24-мактабда ўқувчилар ошхонаси қуриш, мактабларга янгидан келган ўқитувчилар учун бешта квартира ажратиш мажбуриятини олган эди. Бу совхоз коллективи, шунингдек, райондаги бошқа барча оталиқ ташкилотлари коллективлари ҳам ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тўла бажариш чораларини кўрдилар. Район партия комитети болалар муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан жамоат ташкилотлари қабул қилган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганини муттасил назорат қилиб борди.

Натижада 1977-1978-ўқув йилига тайёргарлик юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятлар асосан бажарилди. Районда бир неча янги мактаб, болалар боғча ва яслилари, ўқитувчилар учун уй-жой бинолари қурилди. Мавжудлари кенгайтирилди ва ремонт қилинди. Мактаблар учун спорт заллари ва майдончалари, ошхона ва буфетлар, медицина пунктлари, устахоналар барпо этилди. Мактаблар, болалар муассасаларини жиҳозлаш учун анча маблағ сарфланди. Айни вақтда мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш ва уларни мактабга тўла жалб этиб, умумий ўрта таълим ҳақидаги Қонунни бажаришни таъминлаш, саккиз йиллик ва ўрта маълумоти бўлмаган катта ёшдаги болаларни кечки, кундузги-сиртқи ўқишга тортишга алоҳида эътибор берилди.

Шундай қилиб, 1977-1978-ўқув йилига тайёргарлик кўриш соҳасида районимиз фақат республикадагина эмас, балки Иттифоқда ҳам яхши кўрсаткичларга эришди. Бунинг учун СССР Маориф министрлиги ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг кўчма Қизил байроқлари ва 10 минг сўм пул мукофотини олишга сазовор бўлдик.

Район халқ маорифи ходимлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар коллективлари бу йил яна бир ташаббус билан чиқишди. Мактаблар, мактабдан ташқари ва мактабгача болалар муассасаларини янги, 1978-1979-ўқув йилига намунали тайёрлаш мажбурияти олинди.

Район партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари партия XXV съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети нинг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадида белгиланган тадбирларда ва жамоат ташкилотлари қабул қилган социалистик мажбуриятларда мактаблар ҳамда болалар муассасаларининг ўқув-моддий базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ва сифатини ошириш назарда тутилган. Шунга биноан мактаб биноларини, ўқитувчиларнинг уйларини, болалар муассасаларини жорий ва капитал ремонт қилиш асосан тугалланди. Маориф системаси учун қурилаётган барча объектлар 1 августгача битказилиб, фойдаланишга топширилади. Бу йил яна иккита мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати барпо этилянти. Барча ўқувчилар иссиқ овқат билан таъминланади. Бунинг учун эса бир қатор мактабларда ошхона ва буфетлар ташкил этилади.

Мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш ва уларни мактабга тўла жалб этиш билан бир қаторда, ишлаб турган ёшларни ўқитишга алоҳида эътибор берилади. Улар кечки, кундузги-сиртқи ўқишга тортилади. Мактаблар ва болалар муассасалари ўқув-кўргазмали қуроллар ҳамда ўқитишнинг техника воситалари билан таъминланади. Бу йил барча ўрта ва саккиз йиллик мактабларда ўқитишни кабинет системасига ўтказиш тугалланади. Мактабларнинг кутубхоналарини болалар адабиёти, бадиий, сиёсий ва методик адабиётлар билан таъминлаш, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари фаолиятини яхшилаш каби муҳим тадбирлар амалга оширилаётир.

Райондаги ҳар бир корхона, қурилиш ва транспорт ташкилоти, муассаса, колхоз ва совхоз коллективи юқоридагилардан келиб чиқиб, ўз зиммасига конкрет мажбурият олди. Масалан «КПСС XXV съезди» совхози ўз оталиғидаги 2, 3, 5, 8, 39 ва 41-мактабларнинг биноларини, ўқув устахоналарини, ошхоналарини, шу мактабларда ишловчи ўқитувчиларнинг уйларини капитал ва жорий ремонт қилянти. 2-мактаб учун тир қурилмоқда. Шу мактаб учун қурилаётган мажлислар залини, 8-мактаб учун 50 ўринли ошхонани битказиб, фойдаланишга топширади. 39-мактаб учун ўқув-устахонаси, 8-мактаб учун спорт зали қурянти. 1-сон болалар музика мактабини ҳамда совхоздаги барча болалар боғча ва яслиларини ремонт қилянти. Юқорида санаб ўтилган мактабларга ўқитишнинг техника воситаларини сотиб олиш учун 6 минг сўм маблағ ажратди.

Район партия ташкилоти жамоатчиликка таянган ҳолда районда халқ маорифини янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг фарзандларини ўқитиш ва тарбиялашни ҳар тарафлама яхшилаш чораларини кўрмоқда. Бунда, табиийки, 1978-1979 ўқув йилига намунали тайёргарлик кўриш соҳасида белгиланган тадбирлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши муҳим роль ўйнайди.

З. МАҲСУМОВ,
Ўзбекистон КП Бекобод район комитетининг биринчи секретари.

«Ташметрострой» трести коллективи яна бир зафар қучди. Константин Виноградов бошлиқ бригада аъзолари муддатидан бир ой илгари метрополитеннинг бунёд этилаётган Ҳамид Олимжон ва Пушкин майдони бекатлари оралиғидаги чап тоннелда лаҳм қазиш ишларини тугалладилар. Улар 595 погонметр ҳажмида лаҳм қазиб, 14 минг куб метрдан знёд тупроқ ишларини бажардилар. Суратларда: 1. 8-шахтанинг умумий кўриниши. 2. Бригаданинг илғор аъзоларидан Н. Татарская ва В. Куликова.

Ш. Иброҳимов фотолари. (ЎзТАГ).

Г. Хрикин — «Ташкентка-бель» заводининг пешқадам ишчиларидан бири. Ишлаб чиқаришда юксак сифат кўрсаткичларига эришганлиги учун унга Олтин қўлли мастер унвони берилган. Коммунистик меҳнат зарбдори Г. Хрикин шу кунларда ўнинчи беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда адо этиш мажбуриятини олиб, маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: Г. Хрикин.

И. Глауберзон фотоси.

ЭКОНОМИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЁЗГА ЯНГИЛИК

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи янги моделда эркаклар костюмларини тикиб чиқаришни ўзлаштирди. Давлат аттестация комиссияси бу моделга Сифат белгиси берди.

Ҳозир бирлашманинг олти хил маҳсулоти фахрли эмблема билан чиқарилмоқда. Шу йил тикувчилар Сифат белгиси қўйилган 2 миллион сўмликдан знёд маҳсулотни магазинларга юборишдилар.

НАМАНГАН МАРКАСИ БИЛАН

Наманган шойи газлама комбинатининг дессинаторлари янги хил қўйлак материалларини ишлаб чиқдилар. Уларни тўқишда пахта ип ва вискозалавсан толадан фойдаланилади. Синтетик ип ишлатилиши маҳсулот сифатини оширади.

Шу молларнинг биринчи туркуми харидорларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Шу йил корхона коллективи яна икки хил газлама тўқиб чиқаришни ўзлаштиради.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

«БУХОРО ТЎҚИМАЧИСИ»

Бухоро ип-газлама комбинати Иттифоқимиздаги йирик тўқимачилик корхоналаридан биридир. Айни пайтда комбинатнинг биринчи навбати муваффақиятли ишлаб, аҳоли учун кўплаб сифатли газламалар тўқиб чиқармоқда. Иккинчи навбати жадал суръатлар билан барпо этилянти. Ҳозир бу ерда турли миллат фарзандларидан иборат 5000 кишилик аҳил коллектив фидокорона меҳнат қилмоқда. Келажакда бу меҳнат даргоҳида ишловчилар сафи 12000 дан ошиб кетади. Утмишда бўздан бўлак кийимни билмаган кўҳна Бухоро Улуғ Октябрь шарофати билан юксак тараққий этган тўқимачилик саноатига эга бўлди. Эндиликда Бухоро тўқимачиларининг довруғи бутун дунёга таралмоқда.... Бу жаранглор сўзларни ўзбек ва рус тилларида нашр этилаётган «Бухоро тўқимачиси», «Текстильщик Бухары» кўп тиражли газетасида ўқиш мумкин. Енгил саноат ходимлари куни арафасида газетанинг биринчи сони босилиб чиқди.

Газетада илғор тўқимачилар, ишлаб чиқариш жонкуярлари ҳақида лавҳа, корреспонденциялар ҳамда бошқа ранг-баранг материаллар берилган.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

1978 йил 3 июлдан 8 июлгача бўлган даврда Стендаль, Магдебург, Либерозе районида ҳар хил қўшин турларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилиши масалаларини пишиқтириш мақсадида Германиядаги совет қўшинлари группасида машқ ўтказиш планлаштирилмоқда.

Машққа қуруқликдаги қўшинлар ҳарбий ҳаво кучларининг қисмлари ва бўлинмалари билан биргаликда жалб қилинади.

Машққа қатнашадиган қўшинларнинг тахминий сони қарийб 30 минг кишига боради.

САБЗАВОТ КОНВЕЙЕРИ

Сахалин областининг аҳолиси ташиб келтирилган сабзавот билан эмас, балки оролнинг ўзида етиштирилган картошка, карам, лавлаги ва сабзи билан тўла-тўкис таъминланди.

Сахалин ва Курил оролларининг деҳқонлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари вақтида берган йўл-йўриқлари ва маслаҳатларини бажара бориб, бошқа муҳим вазифани ҳал қилишга — полиз экинларининг турини кўпайтиришга киришдилар.

Сахалин деҳқонлари патиссон, майда ошқовоқ сингари сабзавот экинларини етиштиришни ўрганиб олдилар. Бодринг ва помидор етиштириш анча қийин бўлмоқда. Сахалин шароитида бундай сабзавот фақат теплицаларда етилади. Бундай экинларни асосан жанубий Сахалин теплица комбинати етказиб бермоқда. Комбинатнинг парник хўжалиги 60 минг квадрат метрни ташкил этади. Яқин йиллар мобайнида унинг майдонини уч баравар кенгайтириш мўлжалланмоқда. Областда иссиқ сув билан ишлайдиган биринчи теплица комбинати қурилмоқда.

МАВСУМГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Украинада кечки экинларни экиш тугай деб қолди, ремонтчилар эса ўрим-йиғим техникаси тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар., колхозлар, совхозларнинг устахоналаридан, «Селхозтехника» бирлашмасининг ихтисослаштирилган корхоналаридан ҳозиргача қарийб 50 минга ғалла комбайни ремонт қилиб чиқарилди. Машина-механизмларни 1978 йилги дала ишларига яхши тайёрлашни таъминлаш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорлари — Одесса областининг механизаторлари ана шундай машиналарни ҳосил ўрим-йиғимига тахт қилиб қўйдилар.

Ремонт сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Агрегатларни технология жиҳатидан созлаш ташкил қилинган, махсус комиссиялар агрегатларни синчиклаб кўздан кечирадилар. Шу агрегатлар дон нобуд бўлишининг олдини олиш имконини берадиган мосламалар билан жиҳозланганидан кейингина машиналарга «ўрим-йиғимга чиқариш мумкин» деган белги қўйилади.

ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Миллий совет музикасининг ўзига хос антологияси бўлган «Совет композиторларининг авторлик кечалари» деб аталган концертлар Тбилиси тингловчиларига ғоят манзур бўлиб қолди. Давлат симфоник оркестри пультида ўз мақоратини намойиш қилган эстон композитори Арро Пярт музика мухлисларини ўзининг биринчи ва учинчи симфониялари, камер асарлари билан таништирди. А. Меликов, Г. Егиазарян ва қардош Совет республикалари бошқа усталарининг авторлик кечалари ҳам муҳим воқеа бўлиб қолди.

Бу концертлар, дейди Грузия симфоник оркестрининг бош дирижери, республика халқ артисти Д. Кахидзе, аслида миллий маданиятларни ўзаро бойитадиган нарсаларни гавдалантиради. Бундай концертлар бизга репертуари ажойиб асарлар билан бойитишда ёрдам берди.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Акмян цемент-шифер комбинатида планга қўшимча равишда беш минг тонна цемент ишлаб чиқарилди.

Бундай муваффақиятга айланадиган печларнинг ҳар бир кубометр ҳажмидан клинкер олишни кўпайтириш учун ўтказилаётган мусобака кўп жиҳатдан ёрдам берди. СССР давлат мукофотининг лауреати, машинист С. Венцкус сменаси ана шу ишнинг ташаббускори бўлди.

Корхона йил бошидан буён 1 миллион тонна — бутун 1970 йилдагига нисбатан анча кўп цемент ишлаб чиқарди.

Бизнинг суҳбат

ЮТУҚ СИРЛАРИ

13 июнда Тошкентда қурилиш бўйича ўрта ҳунар-техника билим юртлари директорларининг Бутуниттифоқ кенгаши иш бошлайди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. ЖУРАЕВ билан учрашиб, ундан бир неча саволга жавоб беришини сўради.

— Рисбой Ҳайдарович, кейинги йилларда Тошкентда ҳунар-техника таълими масалалари бўйича бир қанча йирик кенгаш ва йиғилишлар ўтказилди. Ана шундай тадбирлар ўтказиш учун республикамиз пойтахтининг танланаётгани бежиз бўлмаса керак?

— Ўзбекистондаги ҳунар-техника таълими системасига Иттифоқимиздаги шу соҳа ходимларидагина эмас, балки партия ва совет органларининг, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг раҳбарларида ҳам қизиқиш катта. Бу бежиз эмас, албатта.

Республика халқ хўжалиги мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланмоқда. Ана шу шароитда, ишлаб чиқариш тобора кенгайиб ва фан-техника тараққиёти таъсирида ўзгариб бораётган, янги техника билан тобора кенг қўламда қуролланаётган бир даврда малакали ишчи кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай кадрлар тайёрлаш масаласини муваффақиятли ҳал этиш эса ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларга боғлиқ экани сир эмас.

Бу ишда қийинчиликлар ҳам бўлиши турган гап. Лекин бир неча йиллардан бери биз билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш ва уларда мутахассислар тайёрлаш, янги ҳунар-техника билим юртлари очиш ва халқ хўжалик планларининг бошқа кўрсаткичларини муттасил ошириб ало этиб келаётирмиз. Чунончи, ўтган йили иландаги 31 ўрнига 56 та ҳунар-техника билим юрти очилди. Билим юртларига 110 мингдан знёд йигит-қизни қабул қилиш режалаштирилган эди. Амалда эса 126 мингдан знёд ёшлар турли ҳунар ўрганишга киришишди. Республикамиздаги қурилиш бўйича нхтисослаштирилган билим юртлари ҳам белгиланган топшириқларни шараф билан бажардилар, ва шу йўсин қурилиш ташкилотларига зарур кадрларни етказиб бераётирлар. Тошкентдаги 63-ўрта қурилиш ҳунар-техника билим юрти эса мамлакатимизда энг илғорлардан саналади. Шу боисдан ҳам СССР ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советларининг ҳунар-техника таълими давлат комитетлари ана шу билим юрти базасида Бутуниттифоқ кенгаши ўтказишга қарор қилганлигига ажабланмаса бўлади.

— Кейинги йилларда ўрта ҳунар-техника билим юртларига кўпроқ эътибор берилаётганлигининг боиси нима?

— Маълумки, бундай ўқув юртларида ёшлар бирон касби эгаллаш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар. Амалиёт таълимнинг бу формаси ниҳоятда самарали ва истиқболли эканлигини рўй-рост кўрсатмоқда. Зеро, билим доираси кенг киши ишлаб чиқаришни тез ўзлаштириб, техникадан яхшироқ ва унумлироқ фойдаланиши тажрибада исботланган. Ўрта ҳунар-техника билим юртини битириб чиққанлар бевосита ишлаб чиқаришда ҳунар ўрганган ишчиларга нисбатан беш-етти марта кўп ихтирочилик таклифлари киритиши, жамоат ҳаётида ва ишлаб чиқаришни бошқарувда фаолроқ қатнашуви, сифатли маҳсулотни кўпроқ бериши таъкидлаб ўтилмоқда. Бу гаплар табиийки, қурувчиларга ҳам тааллуқлидир.

Айни чоғда қурувчилар олдида, хусусан қишлоқ қурувчилари олдида бошқа кўпгина вазифалар ҳам турибди. Улар бевосита ўз вазифаларини бажаришдан ташқари ривожланаётган ва обод бўлаётган ерларга меҳнат ва турмушнинг юксак маданиятини олиб борадилар. Ўрта ҳунар-техника билим юртларига алоҳида эътибор берилиб, уларда малакали ишчилар тайёрлашни янада такомиллаштириш юзасидан махсус кенгашлар ўтказилаётганлиги сабабларидан бири ҳам ана шу.

— Ҳунар-техника билим юртлари фаолиятидаги ютуқлар сири нимада?

— Энг аввало партия ва совет органлари ҳунар-техника таълими системасига катта аҳамият бераётганликларини таъкидлаш керак. Бу органларнинг ҳунар-техника билим юртлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамма ишда яқиндан ёрдам бераётганликлари туфайли ишни тўғри йўлга қўйиш, турли қийинчиликларни ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мумкин бўлаётир. Чунончи, ўтган йили Самарқанд область партия комитети ташаббуси билан ўрта умумтаълим мактабларининг 17 биноси қурилиш ҳунар-техника билим юртларига берилди. Бу ташаббусни республика Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Область партия комитети бошқа ташкилий масалаларда ҳам яқиндан ёрдам бераётир.

Оммавий ахборот воситалари, хусусан матбуот ҳунар-техника таълими системаси ҳаёти ва фаолиятини мунтазам ёритиб бормоқда.

Ишимиздаги ютуқ сабабларидан яна бири системамиз барча ходимларининг малакали мутахассис, ўз ишининг билимдони эканлигидир. Уларнинг ҳар бири ўз меҳнати оқибат натижада республика халқ хўжалиги тараққиётига муайян даражада таъсир этишини яхши билади. Шунинг учун ҳам ишнинг самарали форма ва методларини излаш, педагогика, экономика ва бошқа фанлардаги энг сўнгги ютуқларни эътиборга олиб партиямиз кўрсатмалари асосида иш тутиш улар учун қонун бўлиб қолган.

— Ҳунар-техника билим юртлари директорларининг Бутуниттифоқ кенгашида қандай масалалар кўрилади?

— Кенгашда муҳокама этиладиган масалалар кўп. Қурилишда илмий-техника тараққиёти ва капитал қурилишни малакали ишчилар билан таъминлаш, ҳунар-техника билим юртлари ва база ҳисобланувчи корхоналарнинг ҳамкорлиги, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, талабаларнинг ишлаб чиқариш практикаси самарадорлигини ошириш, қурувчилар тайёргарлигида эстетик тарбиянинг роли, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва бошқа масалаларни кенгаш қатнашчилари уч кун мобайнида муҳокама қиладилар.

Бутуниттифоқ кенгашида СССР ва Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетларининг, СССР Госстройининг раҳбар ходимлари, республика қурилиш ташкилотларининг ходимлари иштирок этадилар.

Кенгашда иттифоқдош республикалардан йиғилган ҳамкасблар қурилиш мутахассислари тайёрлаш соҳасида ўзаро тажриба алмашадилар, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими системаси ўқувини, таълим ва тарбия бериш жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори асосида амалга ошириладиган **тадбирларни белгилайдилар.**

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ—УМУМХАЛҚ ИШИ

ЎЙЛАР ВА ЎЙЛАР

Оққум... У Марказий Фарғона ерларидаги қишлоқлардан бири. Қишлоқ жамоли йил сайин ўзгариб борапти. Одамлар ҳам ўзгача: қувноқ, дилкаш, одамохун. Йўллар равон, ўйлар чароғон. Турнақатор, шинам уй-жойлар худди ипга чизиб қўйилган мунчоқни эслатади.

Йиллар ичида Оққумнинг ҳуснига-ҳуси қўшилди. Йўллар кенгайтирилди, асфальт ётқизилди. Пастқам, кўримсиз ўйлар ўрнида гишт ва темир-бетондан замонавий бинолар қад кўтарди. Мактаб, медицина пункти, дорихона бинолари савлат тўкиб турибди. Янги типдаги уй-жой биноларида барча қулайликлар, водопровод суви, канализация, газ, электр энергия меҳнаткашлар хизматида. Телефон, телевизор, замонавий мебеллар...

«Наманган» совхозининг директори, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Набижон Қорабоевдан қишлоқдаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик:

— Хўжалигимиз деҳқонлари хутор типидаги қишлоқларда яшаб келишарди. Ҳисоблаб кўрсак, совхозимизда ўнлаб майда қишлоқлар бўлиб, бирор йиғилиш ўтказиладиган йўлсиз, иккиучуч кунлаб одам тўплашга уринар эдик. Биз бу муаммодан қутулиш, меҳнаткашларни ёппасига янги ўйларга кўчириш йўлини жуда кўп ўйладик. Ниҳоят, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг қарори асосида хутор типидаги майда қишлоқларни йирик, замонавий посёлкаларга бирлаштиришни афзал кўрдик. Қуммӑҳалла, Толлиовул, Дамкўл қишлоқлари битта—обод посёлкага бирлаштирилди. Гуртепа, Нураганча, Оққум қишлоқлари ҳам марказлаштирилди. Ишчиларимизнинг хоҳишлари эътиборга олиниб, янги қишлоқларда 3-4 хонали, барча қулайликларга эга бўлган, шинам ва ёруғ ўйлар қурила бошланди.

Янги типдаги қишлоқларда мебель, радио товарлар, хўжалик моллари магазинлари ва коммунал хизмати кўрсатиш корхоналари вужудга келтирилмоқда.

Биз янги ўйларга кириб, бир неча оила бошлиқлари билан ҳамсуҳбат бўлдик. Мана, уларнинг янги ўйлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари:

Ҳусанбой МАНСУРОВ (агроном). — Илгари оиламиз билан Дамкўл маҳалласида яшардик. Қишлоқ йўли лой, уйимиз гуваладан қурилган, икки хонали, пастқам, зах ва қоронғи эди. Ҳозир 7 хонали шинам уйда яшаяпмиз. Ванна, душ иссиқ ва совуқ сув бор. Ҳамма қулайликлар мавжуд. Айниқса мактабга қатнаётган ўғил-қизларимизга уларнинг дарс тайёрлашлари учун қулайлигини айтмайсизми?

Холдорали СОЛИЕВ (механизатор). — Оиланг тинч — сен тинч, деганлари рост экан. Биз 6 жонмиз. Икки киши совхозда ишлаймиз. Янги уйга кўчганимиздан сўнг меҳнатимизга ҳам, турмушимизга ҳам файз-барака кирди. Ўтган йили 200 тонна пахта тердим. Даромадимиз кўпайди. Бундай қулайликлар яратиб берган партия ва ҳукуматимиздан миннатдормиз.

Эркинжон ЮРИЕВ (ошпаз). — Асли хоразмликман. Тақдир мени Марказий Фарғонага етаклаб келган. Бу ерда шу қадар шинам уй-жойга эга бўлишни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Бундай катта ғамхўрликка жавобан тағин ҳам яхшироқ, баракалироқ меҳнат қилмоқдамиз.

Бундай самимий, дил сўзларини ҳар бир ҳонадонда эшитиш мумкин. Қишлоқларни бош план асосида қайта қуришда бадиий-эстетик талаблар, қишлоқ архитектурасининг ўзига хос бўлиши, ўзбек халқ меъморчилигининг энг яхши ютуқларидан ижодий фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Посёлканинг болалар боғча-яслилари, маиший хизмат ўйлари, мактаб ва медицина муассасалари билан комплекс қурилиши айниқса диққатга сазовордир.

Бундай ўзгаришларни Задарё районидаги бошқа хўжаликларда ҳам кўриш мумкин. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант» колхозида яқин 2-3 йил ичида хуторларни бутунлай тугатиш плани муҳокама қилинди. Бу тадбир қишлоқлар жамолини ўзгартирибгина қолмай, ерга-ер қўшади, баъзи майда карталарни йириклаштиришга, қишлоқ хўжалик техникасидан тағин ҳам самарали фойдаланишга имконият яратади.

«Комсомол» колхозида 3 та янги посёлка барпо этилмоқда. Уларнинг 2 таси асосий посёлка бўлиб, келгусида бир-бирдан туташиб, шаҳарча вужудга келади.

Қишлоқ қурувчилари қурилиш ишларини тезлаштириш, индустриал методлардан фойдаланишда катта тажриба тўпламоқдалар. Райондаги Ильич номли, Навоий номли колхоз посёлкаларини тиклаётган бинокорлар бир янгиликни бошлаб бердилар. Одатда уйларнинг деворлари сувалади. Бунга кўп ишчи кучи, материал ва маблағ сарфланиши маълум. Қурувчилар ғиштни пардоз бериш усулида тера бошладилар. Худди шу типда қурилган уйлар сувоқ қилинмаган бўлса ҳам, давлат комиссияси томонидан «аъло» баҳода қабул қилиб олинмоқда. Шунинг учун ҳам бу усулни район колхозларароқ қурилиш ташкилотининг барча участкаларида қўлланиш тавсия этилмоқда.

Лекин, қишлоқларни қайта қуриш ҳаёт талаби даражасида эмас. Район колхозларароқ қурилиш ташкилоти юбилей йилида 60 минг ўринга 120 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Умумий фойдали саҳни 11,7 минг квадрат метр бўлган биноларнинг ишга туширилди. Бу қурувчиларнинг зўр ғайрат ва шижоатини кўрсатувчи рақамлардир. Айни пайтда қишлоқ қурилиши шу суръат билан олиб борилса, районда хутор системасини бутунлай тугатиш учун 10 йилдан кўпроқ вақт керак бўлади.

Шунинг учун колхозларароқ қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, кооператив усулда уй-жой қурилишини янада авж олдириш лозим. Айниқса, қишлоқ қурилишини индустриал методларга кўчириш ғоят муҳимдир.

«Узгипросельстрой», «Узгипрозем» лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳаларда биноларни йирик панеллардан қуриш кўзда тутилган. Бу эса қурилиш суръатини жадаллаштириш ва таннархини арзонлаштириш имконини беради. Учқўрғон, Уйчи, Поп ва Чуст районларида ана шу лойиҳалар асосида йирик панеллардан уй қуришга кўчиш дуруст самара бермоқда. Бироқ, ҳамма жойда ҳам панеллар тайёрлашни кенг кўламда йўлга қўйиш учун қурилишнинг моддий-техника базаси ожизлик қилиб қолмоқда.

Наманган областида қишлоқларни қайта қуриш ва янги посёлкалар бунёд этиш вақтида меҳнаткашларнинг истаклари ҳисобга олинмоқда. Янги қурилишларга разм солиб, биноларда миллий безаклар замонавий услублар билан уйғунлашиб кетганини кўриб қувонасиз. Булар ҳар бир посёлканинг ўзига хос қиёфасини белгилаб бермоқда.

Беш йиллик охирига борибоқ Наманган областида қишлоқ қурилиши, уй-жойлар бунёд этиш кўлами тағин ҳам кенгаяди. Қишлоқ қурувчилари ва лойиҳачилар ҳамкорликда меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Фаровонлик, юксак маданий ҳаёт учун катта юриш бошлаган наманганликларнинг ташаббусидан ибрат олса арзийди.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сўз-тажрибакор деҳқонларга

ЧЎЛҚУВАРЛАР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Чўлнинг ўзига хос иншиқликлари бор. Унга табиат иншиқлари қўшилса, уни ҳаёт-мамот, ор-номус кураши, қолаверса, юз ёруғлик — ҳосилдорлик учун кураш деб тушунмаслик асло мумкин эмас. Мен ҳаёт тажрибаларим асосида шундай хулосага келдим. Бу йилги табиат иншиқликлари ҳақида гапирадиган бўлсам, 1976 йилги офат ва унга қарши курашнинг жангу-жадалларини эсламаслигим мумкин эмас. Ушанда биз май ойининг иккинчи ўн кунлигида чигит экишчи туғаллаган эдик. Тўқ чигитлардан унган нозик ва кўмкўк ғўзаларни кўриб энди кўксимизга шамол тегадиган бўлди деб турар эдик, ўшанда. Афсуски, чигит экишни қайта бошлашга мажбур бўлдик. Чунки, умумий пахта майдонининг ярмидан кўпроғидаги ниҳолларни дўл ер билан яксон қилиб кетди. Чўлқуварларимизнинг иродасига қойил қолдим. Улар аввалгидан ҳам зўр куч-ғайрат ва ишонч билан ишга киришдилар...

Бу йилги табиий офат ўша йилгидан барвақтроқ бўлгани учун бизга кўрқинчли туйилмади. Биз офат асоратларини анча барвақт ва тез бартараф этдик. Бригадамиз бўйича бир неча юз гектар майдонга қайта чигит экдик.

Пахтачиликда юқори ҳосил учун курашнинг босқичлари кўп. Дастлаб уруғни экиб олиш, сўнг уни бир текис ундириш, ундан кейин ниҳолларга ишлов бериш ва ҳоказолар. Биз курашнинг иккинчи босқичини босиб ўтиб, учинчи босқичи учун қизғин кураш олиб борардик. Бу анча ғаштли кураш эди. Шундай кунларнинг бирида район партия комитетининг бюроси бўлди. Бюрода табиий офатнинг Мамажон Дадажонов номли совхозда қолдирган асоратини бартараф этиш масаласи кўрилди. Бу ишга райондаги барча хўжаликлар ёрдам берадиган бўлди. Қўшнининг бошига тушган кулфат — сенинг кулфатинг, деган чақириқ ўртага ташланди. Бу фақат социалистик тузумга хос бўлган чақириқ эди. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб ишга киришди. Офат асоратлари 1,5 суткага қолдирилмай бартараф этилди. Минглаб гектар ерга қайта уруғ қадалди. Бунга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик.

Биз табиат пандидан қўрқмаймиз. Чунки кучлимиз. Ҳар бир ишчи ҳисобига 37 от кучи, ҳар юз гектар ер ҳисобига эса 451 от кучига тенг техника тўғри келади. Шу туфайли пахта етиштириш учун сарфланаётган харажат ҳам, унинг таннархи ҳам йилдан-йилга камаймоқда. Механизация йил сайин кўпроқ қўл кучи ўрнини эгалламоқда. Бу эса агротехника тадбирларини ўзига ошириш муддатини қисқартирмоқда. Бизнинг ютуғимиз ана шундадир.

Механизаторларимиз қайта чигит экишнинг ўзига хос технологиясини ўзлаштириб олишган. Бу мураккаб жараён. Чунки, чигит доим гербицид билан экилади, қайта экишда эса қатламдаги гербицид олиб ташланмаса, у қайта экилган чигитни қуритади. Шунинг учун махсус мослама яратдик. Бу мослама аввал экилган эгатдан 20 сантиметр тупроқни чигит ва гербициддан тозалайди. Ўрнини янги тупроқ билан тўлдириб, чигитни нам етарли бўлган қатламга ташлайди. Хўжалигимизда 300 гектардан кўпроқ ер шу усулда қайта экилди. Шу туфайли офат билан янги уруғни ундириб олиш оралиғидаги фурсат 7-8 кунни ташкил этди, холос.

Бугун ғўзаларимиз шоналай бошлади. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш авж олдириляпти. Устма-уст ёғингарчиликлар тупроқни зичлаштириб юборди. Шу туфайли культиваторларни фақат СУЗ билан ишлатмоқдамиз. Культиватор ишчи органи сонини 47 тага етказганмиз.

Бу йилги маррамиз ҳар қачонгидан ҳам юксак. Пахтакорларимиз совхоз бўйича 4700 гектар ердан она-Ватанга қариб 15 минг тонна, бригадамиз бўйича эса 292 гектар ердан 1,5 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлашган. Бу ҳосилдорлик совхоз бўйича 31, бригада бўйича 50 центнерни ташкил этади демакдир. Марра сўзсиз эгалланади. Чунки бу йил хўжалигимизнинг ўн йиллигини нишонлаймиз. Коллективимиз шу давр ичида юз минг тонна «оқ олтин» етказиб берди. Хўжаликни ташкил этиш учун сарфланган барча харажатлар қопланиб, давлатга 15 миллион сўмга яқин фойда ҳам келтирилди. Мирзачўл саховатини кўрсатувчи бу рақамларни эслаш нақадар фахрли!

Яқиндагина Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги Ленин имзолаган Декретнинг 60 йиллигини нишонладик. Ана шу шодиёна кунда бу йилги планимизни хўжалигимиз юбилейи шарафига сентябрь ойи ичида бажаришга қарор қилдик. Бу, пахтани эрта пиширишни талаб этади. Дарвоқе, пахтани эрта пиширмай туриб, ялпи ҳосилнинг 99-100 процентини механизмлар воситасида йиғиштириб олиб бўлмайди. Шунинг учун бугун биз ерни қиздириш чорасини кўряпмиз. Суғоришни муддат жиҳатидан ўтган йилги пайтда бошлаган бўлсак ҳам, ғўзанинг ривожи ўтган йилгидек деб бўлмайди. Шу сабабли маҳаллий ўғитни «шарбат» қилиб оқизиш фойдали бўлади. Бу мурғак ғўзаларнинг тез ва бирдек ривожланишини таъминлайди.

Бригадамизда ғўзаларга иккинчи ишлов бериш тугалланди. С. Ёқубов, Э. Алиев, Ҳ. Машарипов сингари механизаторлар унумли ишлашяпти. Бригадамизда ҳар 50 гектар ерга бир трактор тўғри келади. Ҳозир 5 трактор ишлатляпти.

С. Дўстов, А. Абдуллаев, Т. Эгамназаров сингари сувчиларимиз кунига графикда белгиланган ерга обиҳаёт тарешляпти. Уқариқлар оралиғи 80—100 метрдан ошмайди. Бу биринчи сувни тез ва қисқа вақт ичида тугаллаш имконини беради.

Ҳар бир механизатор маълум бир участкага раҳбарлик қиладиган звено бошлиғи ҳисобланади. Бузиб экилган 25 гектарлик участкани эртанги ниҳолларга етказиб олиш учун звенолар орасида ўзаро мусобақа қизитилмоқда. Бу мусобақанинг яхши самаралар беришига шубҳа қилмаймиз.

Тўлан ДАДАЖОНОВ,
Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

БЎШАШИШГА ЎРИН ЙЎҚ

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Қашқадарё области ғаллакорларининг ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилди. Бу қарор Жиззах области ғаллакорлари учун ҳам жанговар программадир. Шу кунгача 800 комбайн ремонтдан чиқарилиб, ўримга шайлаб қўйилди.

Дўстлик, Зомин, Ғаллаорол районларида комбайнлар дала бошига келтириб қўйилганига анча бўлди. Жиззах районидаги Ленин ордени «Москва», «Узбекистон», Ҳамид Олимжон номли колхозларда, Бахмал районидаги «Ўзунбулоқ», Зомин районидаги 1-«Зомин», Бахмал районидаги «1 Май» совхозларида ўрим-йиғимни узоғи билан 10—15 иш кунида сифатли тугаллаш учун зарур бўлган ҳамма ишлар қилинмоқда.

Бироқ айрим районлар, хўжаликларда ўрим-йиғимга тайёргарлик ишлари ҳамон тугалланмагани ташвишли ҳолдир. Масалан, Фориш районидаги «Қизилқум» совхозида комбайнлар ремонти ҳалигача тугалланмаган, малакали механизатор кадрлар етишмайди, уларнинг сафи тўлдирилмаган. Бешта комбайннинг силоғи ўйнаб етибди. Устахонада ремонтчилар оз, белгиланган кунлик ишлар бажарилмаяпти. Устахона мудири А. Исроилов йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўриш ўрнига баҳона излаш билан банд бўлиб юрибди. Комбайнларни икки сменада ишлатиш ҳақида кўп гапириляпти, лекин амалий иш қилинмаяпти. Аҳвол шундай давом этаверса, эрта-индин ғалла ўрими оммавий бошланганда «аттанг» деб қолиниши ҳеч гап эмас. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Райондаги бошқа қатор хўжаликларда ҳам шундай ачинарли аҳвол юз бермоқда. Областнинг Мирзачўл, Жиззах районлари хўжаликларида ҳам бу борада бурилиш ясаш талаб этилади. Ғаллаорол районидаги Ғафур Ғулом номли, Карл Маркс номли, Зомин районидаги «Ленинград» совхозларининг айрим раҳбарлари «ҳали фурсат эрта, ўрим-йиғим бошлансин, у ёғини бир гап қиламиз» деган зарарли қайфиятга берилиб ўтиришибди. Вақолонки, унумдор далалардаги олтин бошоқлар ғаллакорларни ўзига чорламоқда.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Жиззах области мухбири.

Оламда нима гап

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Швеция қироли Карл XVI Густав билан Кремлдаги учрашуви ва Л. И. Брежневнинг Катта Кремль саройида олий мартабали меҳмон шарафига берилган зиёфатда сўзлаган нутқи Швеция матбуоти, радиоси ва телевиденнесининг диққат марказида турибди.

Барча оммавий ахборот воситалари совет раҳбарларининг Швеция қироли Карл XVI Густав ва қиролича Сильвияни Москвада саминий ва дўстона қабул қилганликларини қайд этиб, Л. И. Брежнев Совет — Швеция муносабатларига ва Швециянинг бетарафлик сиёсатига берган юксак баҳога эътиборни жалб қиладилар. Газеталар Л. И. Брежнев нутқидаги қуйидаги сўзларни алоҳида ажратиб ёзмоқдалар: «Бетараф мамлакатлар тинчликни ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига жуда фойдали ҳисса қўша оладилар ва қўшмоқдалар. Швеция мисоли буни кўрсатиб турибди».

Швеция телеграф бюроси Л. И. Брежневнинг Катта Кремль саройида сўзлаган нутқини шарҳлаб, совет раҳбарининг бошқа тинчликсевар давлатлар каби Швеция ҳам қуролланиш пойгасини батамом тўхтатишга қаратилган ва Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессиясида таклиф этган кенг ва конкрет программани қўллаб-қувватлаши учун ҳамма асосларга эгадир, деган гапини таъкидлади.

(ТАСС).

ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми ва ЧССР ҳукумати СССР партия-ҳукумат делегациясининг 1978 йил 30 майдан 2 июнгача ЧССРда давом этган расмий дўстона визити якунларини кўриб чиқиб, Чехословакия делегациясининг бўлиб ўтган музокаралардаги фаолиятини тўла-тўкис маъқулладилар.

ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми ва ЧССР ҳукумати «ЧКП ва КПСС, ЧССР ва СССР ўртасидаги қардошларча дўстликни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот»да баён қилинган музокаралар нинг якунларидан гоят мамнун эканликларини изҳор этдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Л. И. Брежнев билан ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак 1978 йил 2 июнда имзолаган бу қўшма баёнот дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада эълон қилинган манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклигини акс эттирувчи гоят муҳим ҳужжатдир.

ЧКП Марказий Комитети билан ЧССР ҳукумати визит сидқидиллик, тўла бирлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик муҳитида, социалистик интернационализм принциплари руҳида ўтганлигини зўр мамнуният билан таъкидлайдилар. Бу визит ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, ички ва ташқи сиёсатда ЧССР билан СССР ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим палла бўлди.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг визити Чехословакия — Совет ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш учун, социалистик ҳамдўстлик, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида жипслаштириш учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми ва ЧССР ҳукумати чехословак халқи Совет Иттифоқи ленинча Коммунистик партияси намояндаларини чин қалбдан, шавқ-завқ билан табриклаганлигини мамнуният билан қайд қилади.

ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми ва ЧССР ҳукумати ҳар икки делегация ўртасида эришилган аҳдномаларни амалга оширишга қаратилган тегишли қарор қабул қилдилар.

(ТАСС).



Америка Қўшма Штатларида аёллар тенг ҳуқуқлилиги учун ҳаракат кенгайиб бормоқда.

Суратда: намситилишга қарши ўтказилган намойиш қатнашчиларидан бири.

АП—ТАСС фотоси.

ГЕГЕМОНЧИЛИКНИНГ ЯНГИ ТАЛВАСАСИ

Социалистик мамлакатларнинг жамоатчилиги ва матбуоти Пекиннинг Вьетнамга қарши бошлаган туҳмат кампаниясини кескин қораламоқдалар. Бу игвогарлик кампаниясига маоизмнинг буюк давлатчилик моҳиятини кўрсатувчи яна бир далил деб якдиллик билан баҳо берилмоқда.

Пекин социалистик Вьетнамнинг ички ишларига аралашиб, Жануби-Шарқий Осиёда вазиятни кескинлаштиришга уринмоқда ва Вьетнам Социалистик Республикасидаги ва кейинчалик шу регионнинг бошқа мамлакатларидаги Хитой муҳожирларидан ўзининг ғаразгўйлик гегемончилик мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўлади, деб ёзади Болгариянинг **«Работническо дело»** газетаси. Жаҳон прогрессив жамоатчилиги, деб таъкидлайди газета, Хитой раҳбарларининг Вьетнам Социалистик Республикаси ички ишларига қўпол равишда аралашувини қаҳр-ғазаб билан қораламоқда.

Социалистик Вьетнам Пекиннинг барча қўпорувчилик ҳаракатларини бартараф этишга қодир эканлигига ва ўзининг содиқ дўстлари — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг холисона ёрдами билан янги порлоқ истиқболни барпо этишни давом эттиришига шак-шубҳа йўқ, деб ёзади «Работническо дело» газетаси.

Вьетнам Коммунистик партияси ва республика ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсати натижасида ВСР нинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборининг ўсиши, хўжалик ва маданий қурилишда Вьетнамнинг эришаётган муваффақиятлари афтидан Хитой раҳбарларига ёқмаётганга ўхшайди, деб ёзади Монголиянинг **«Унэн»** газетаси.

Хитой муҳожирларидан сиёсий қурол сифатида фойдаланиш Маонинг яхши кўрган усулларидан бири эди. Хитой аҳолисининг катта группаси истиқомат қилаётган кўпгина мамлакатлар бундай найранглари яхши биладилар. «Унэн» газетаси Хитой раҳбарлари бир вақтлар ўзларини Вьетнамнинг дўсти деб кўрсатмоқчи бўлган эдилар, деб уқтиради. Ҳақиқатда эса улар ўша вақтда биргаликда курашиб озодлик ва мустақилликка эришган Ҳинди-Хитой мамлакатлари ўртасидаги биродарликка ва бирдамликка путур етказмоқчи, уларни ўз таъсир доираларига олишга уринмоқчи бўлган эдилар.

Чехословакиянинг **«Руде право»** газетаси Пекиннинг Вьетнамга қарши бошлаган кампаниясини тазйиқ ва шантаж сиёсати деб атайди. Бу кампаниядан мақсад, деб ёзади газета, Вьетнам экономикасига зарар етказиш, социализм қурилишининг боришида қийинчиликларни вужудга келтириш ва миллий адоватни кучайтиришдир. Пекин Вьетнам экономикасининг баъзи тармоқларида ишлаётган ўз мутахассисларини Вьетнамдан олиб кетганлиги ҳам буни исбот қилмоқда.

Ўзининг социалистик истиқболини барпо этаётган кучли ва эрксевар Вьетнам маочилар учун уларнинг буюк давлатчилик режаларини амалга ошириш йўлида жиддий тўсиқ бўлиб қолди, деб таъкидлайди «Руде право» газетаси, Вьетнамга қарши Хитойда авж олдирилган ҳозирги душманчилик кампаниясининг бирдан-бир ва ҳақиқий сабаби ҳам шу. ВСР маочиларнинг шантаж ва тазйиқ сиёсатига аниқ-равшан жавоб берди: у Хитой томонига музокаралар столи теварагида ўтиришни таклиф қилди, айни вақтда унинг ички ишларига аралашувдан иборат бўладиган бошқа бирон-бир шартга рози эмаслигини қатъий билдирди. Вьетнам халқи Франция ва Америка ҳукмронлиги ўрнига Хитойларнинг ҳукмронлиги бошлансин, деб ўн йиллаб кураш олиб борган эмас.

Венгриянинг **«Мадьяр немзет»** газетаси Пекин ўзининг ВСРга нисбатан хаттиҳаракатида гегемончиликдан иборат ташқи сиёсий йўлга амал қилаётганлигини уқтириб ўтмоқда. Пекин эндиликда Хуа Го-фэн ва Дэн Сяо-пиннинг буюк давлатчилик сиёсатига, уларнинг Жануби-Шарқий Осиёни Хитойнинг якка таъсири остидаги монополияга айлантириш йўлидаги интилишига тўсиқ бўлиб турган Ханойга қарши чиқмоқда. Улар Ҳинди-Хитой мамлакатлари Америка империализми устидан галаба қозонгандан кейин Вьетнам, Лаос ва Кампучия Хитойнинг таъсир доирасига киради ва Хитой таъсирининг Осиёдаги бошқа районларга тарқалишига ёрдам беради, деб умид қилган эдилар. Аммо Вьетнам билан Лаосда эмас, Кампучияда шундай бўлди.

«Мадьяр немзет» газетаси АҚШ президентининг ёрдамчиси З. Бжезинскийнинг яқинда Пекинда олиб борган музокаралари Осиёда АҚШ билан Хитойнинг тутган позицияси бир-бирига яқин эканлигини кўрсатганлигини эслатиб ўтади.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

НАТО БЛОКИНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ

НАТО блокининг Африкага нисбатан жиноий режалари борлигининг аллақандай янги исботлари керак бўлган тақдирда ҳам АҚШ, Франция, Англия, ҒФР ва Бельгия вакилларининг шу ҳафта ичи Парижда бўлиб ўтган кенгашининг натижалари мана ман, деб турибди. Бутун дунёдаги прогрессив матбуот шу учрашув натижаларини «НАТО блокининг Африкадаги салб юриши», «Хом ашё манбалари учун уруш», «Янги мустамлакачилик йўлидаги қарши ҳужум» деган сарлавҳалар билан шарҳламоқда.

Париж кенгаши — НАТО кенгашининг Вашингтонда ўтган сессияси оқибатида келиб чиққан бўлиб, бу кенгашда Қўшма Штатлар шу ҳарбий блок фаолият доирасини бошқа қитъаларга ҳам, биринчи навбатда Африкага ҳам ёйишни ўз шериклари дан талаб қилди. Вашингтонда ишлаб чиқилган умумий кўрсатмалар Парижда конкретлаштирилиб олинди: бу ерда «Африка давлатлариаро кучлар» деб аталмиш кучларни вужудга келтириш режалари муҳокама қилинди, у Франция легионерлари ва Бельгиянинг десантчилари билан бирга Марокаш, Сенегал ва Габон аскарларини ҳам ўз ичига олади.

Франциянинг «Фигаро» деган ўнг йўналишдаги газетаси НАТО блокидаги баъзи давлатларнинг Африка мамлакатлари ички ишларига қўпол суратда безбетлик билан аралашувига сабаб бу давлатлар шу бой қитъанинг табиий ресурслари ва киши ресурсларини эксплуатация этишдан манфаатдордирлар, деб андишасизлик билан ошкора айтган. Империалистлар учун Африка ҳамиша «ёғлиқ жой» ва унинг бойликларини талаш «ҳуқуқи» учун қаттиқ рақобат майдони бўлиб келган.

АҚШнинг ўзигина бу қитъада 6 миллиард доллар чамаси маблағ сарф қилиб қўйган. Бу пул ҳар йили 1 миллиард доллардан зиёд соф фойда келтирмоқда. Ғарб капиталистик мамлакатлари Африкадан 90 процент олмос, 80 процент кобальт ва олтин, 62 процент платина, 3 процент фосфат, 27 процент мис ва бошқа хил хом ашёларни олиб турибди.

Франция бўлса қора қитъадаги собиқ мустамлакачилик мавқелари тикланишини орзу қилиб, манфур «Африка давлатлариаро кучлар» Франция офицерларининг қўмондонлигида бўлишини талаб қилмоқда. У рақибларини, биринчи навбатда Заирдаги Бельгия капитали позициясини қисиб қўймоқ учун шу кучларни ўз қуролига айлантиришга умид боғламоқда.

Бу аҳвол Вашингтондаги, шунингдек Лондондаги доираларни сергаклантирмоқда, албатта. Брюссель тўғрисида эса гапирмасак ҳам бўлади: у ўзининг собиқ мустамлакаси Заирга ҳанузгача Бельгия монополияларининг мулки деб қараб келмоқда.

Лекин тарихнинг олга боришини на империализмнинг очқўзлиги, на унинг зўравонлик найранглари орқага чекинтира олади. Ҳар қандай экспедицион корпуслар ҳам Африкада империалистларни шармандали маглубиятдан қутқариб қололмайди. НАТО блокидаги мамлакатлар очиқ қуролли босқинчилик методларини қўллашга мажбур бўлганликларининг ўзи уларнинг ишлари пачава эканлигидан, империализмнинг Африкада келажаги барбод бўлганлигидан далолат беради.

ПЕКИННИНГ НАТО БИЛАН ТОТУВЛИГИ

Қўшма Штатларнинг Японияда элчиси Мэнсфилд қунларнинг бирида Хитой ҳозир «Шарқдаги НАТО» ролини ўйнамоқда, деган гапни айтганди. Бир группа америкалик буржуа журналистлар ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Дэн Сяо-пин билан учрашганларида шулардан аллаким мана шу гап хусусидаги фикрингиз қандай, деб сўраганида Дэн бунга тамомила қўшиламан, деб жавоб қайтарганди.

Пекинлик маочилар халқаро коммунистик ҳаракатдан очиқдан-очиқ юз ўгирганларида уларнинг наздида Совет Иттифоқи империалистларга нисбатан «таслимчилик йўлини» ўтказаётганлигини бунга важ қилиб кеттиргандилар. Энди бўлса улар бутун дунё олдида империалистларга оғиздагина эмас, амалда ҳам таслим бўлмоқдалар ва империалистлар билан ҳамма жиҳатдан тотувлашмоқдалар.

Пекин ва Вашингтон, деб ёзади Кубанинг «Гранма» газетаси, «қуролланиш пойгасини авж олдиришда, СССР ва бутун социалистик ҳамдўстликка қарши, миллий озодлик ҳаракатига қарши, социал тараққиёт учун курашаётган барча антиимпериалистик кучларга қарши қаратилган барча аксил инқилобий кучлар стратегик иттифоқи асосларини яратишда» ўзининг ҳатти-ҳаракатларини координация қилишга интилмоқда.

ХХР ташқи ишлар министри Хуан Хуа БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишлаб Нью-Йоркда ўтказилаётган махсус сессиясини ташлаб, Заирда қўзғолончилар устидан НАТО мустамлакачилари қозонган «галаба»дан мамнун бўлганлигини изҳор этмоқ учун Заирга равона бўлди. Ў ерда НАТО мамлакатлари маҳаллий аҳоли қўзғолонини бостирган эди.

Пекин Африкадаги миллий озодлик ҳаракатларини бостиришда НАТО блоки билан очиқдан-очиқ оғиз-бурун ўпишмоқда. Бунинг эвазига ўзининг гегемонлик хатти-ҳаракатларини мустаҳкамлаш учун НАТО қуроласлаҳахоналарига бемалол кириб-чиқадиган бўлишини тама қилмоқда. Хитой «Спей» деган авиация моторларини ишлаб чиқариш учун зарур ҳамма нарсани Англиядан олиб бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, янги қирувчи самолётларни яратишда шу моторлар ишлатилади.

Пекин Франциядан танкка қарши отиладиган «Хот» ракеталарини харид қилмоқда. Ғарбий Германиядан эса энг янги «ВО-105» вертолётларидан бир турқумини харид қилди. Бу вертолётлар танкка қарши отиладиган ракеталар ўрнатишга мўлжалланган. ҒФР матбуотида Пекинга Ғарбий Германиянинг кўпгина танкларини сотиш имконияти тўғрисидаги масала очиқдан-очиқ муҳокама қилинмоқда.

Маочи раҳбарлар НАТО блоки билан оғиз-бурун ўпишиб, янги урушга тайёргарлик кўриш йўлидан ошкора бормоқдалар. Улар Маонинг дунёга ҳукмрон бўлиш тўғрисидаги телбаларча ғоясини рўёбга чиқарадиган бирдан-бир йўл шу уруш, деб билмоқдалар. Лекин тарих дунёга ҳокимлик қилмоқчи бўлган кишиларни қандай шарманда қилган бўлса, хитойлик гегемончиларни ҳам шундай шарманда қилиши муқаррар.

МИСРДА ПОЛИЦИЯ РЕПРЕССИЯЛАРИ

Мисрда демократик кучларга мисли кўрилмаган ҳужум авж олдириб юборилди. Полиция миллий прогрессив (сўл) партия (МПП) аъзоларини судсиз, терговсиз қамоққа олмоқда ва турмаларга ташламоқда. Миср ички ишлар министри Н. Исмоил бутун дунёга машҳур Миср журналистларига қарши «ички фронтга хатар солди» деган айб қўйилганлигини эълон қилди. Булар орасида «Ал-ақром» газетасининг собиқ бош редактори М. Х. Хайкал, шу газетанинг собиқ сиёсий обзорчиси ва МПП раҳбарларидан бири М. С. Аҳмад, «Роз-ал-Юсуф» газетасининг собиқ бош редактори А. Ҳамруш ва бошқалар бор.

Шундай шароитларда МППнинг бош секретариомма ўртасидаги сиёсий фаолиятдан вақтинча воз кечиш ва «Ал-Аҳоли» газетасини чиқармай қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлди.

Бу репрессия чоралари «ички фронт»нинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрликдан келиб чиқмаган албатта. Аксинча, полициянинг айни шу ҳаракатлари Мисрдаги июль революцияси эришган ютуқларни барбод этади. Прогрессив, демократик Миср учун курашаётган, марҳум президент Носир замонида арабларнинг Исроил агрессиясига қарши, босиб олинган араб территорияларини озод этиш учун, социал тараққиёт учун олиб борган курашига бошчилик қилган кишиларга қарши очиқдан-очиқ курашиш йўлини тутган Садат маъмуриятининг ўзи уйдирма эмас, балки реал равишда «ички фронтга хатар» солмоқдалар.

Садат эълон қилган «очиқ эшик» сиёсати, деб аталмиш сиёсат — Миср экономикасида капиталистик элементларни тиклаш ва рағбатлантиришга қаратилган. Амалда бу сиёсат ўзжалик ҳаётини издан чиқарди, давлат секторини қўпоришга, чўйқовчиликни равнақ топтиришга ва жамики шуларнинг оқибат натижасида аҳоли оммасининг турмуш даражасини гоятда пасайтириб юборишга олиб келди.

Президент Носир раҳбарлигида қўлга киритилган демократик ғалабаларнинг тугатилиши, феодаллар ва йирик буржуазиянинг тикланиши ҳамда халқаро майдонда Мисрнинг миллий-озодлик ҳаракатлари ғанимлари лагерига ўтиб кетиши Миср жамиятининг кенг табақаларида оппозиция кайфиятларни ўсишига муқаррар олиб келди. Садат режимининг полициячилик репрессиялари — унинг муқимсизлигининг, ҳаттоки ҳукуматдаги баъзи аъзоларнинг, давлат аппарати ва армиянинг катта бир қисмини ўз ичига олган норозилик ўсишининг далилидир.

Садат режими матбуотга бурундиқ солиб, Миср халқининг энг яхши намояндаларини турмаларга ташлаб, давлат аппаратини ҳадсиз-ҳисобсиз тозалашлардан ўтказиб, ўз умрини узайтиришга уринмоқда. Аммо Мисрнинг ўзида ва бошқа араб мамлакатларида полиция репрессияларига қарши, ҳозирги Миср раҳбарларининг хоинлик йўлига қарши оммавий норозилик ҳаракати авж олиб бормоқда.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

ТАНЗАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДОРУС-САЛОМ. (ТАСС). **Танзания президенти Ж. Ньерере бундай деди: Ғарб давлатлари ташаббуси билан «Африка мамлакатлариаро кучлар»нинг тузилиши Африкани таҳқирлаш бўлиб, уларнинг озодлигини камситади. Танзания бундай кучларни бизнинг қитъамизда янги мустамлакачилик қуроли деб ҳисоблайди. Президент Дорус-Саломда дипломатия корпуси ҳузурида нутқ сўзлаб, Африка Бирлиги Ташкилоти қарори бўлмасдан туриб бундай кучларнинг тузилиши мумкин эмас, деб уқтириб ўтди. Шундай кучларни ташкил этишни ўйлаган ва уни тузишда ташаббус кўрсатаётган кишилар Африканинг озод бўлишидан эмас, балки унга ҳукмронлик қилишдан манфаатдор эканликлари тамомила равшан. Улар Африка Ғарбий Европа «таъсири остидаги» қитъа эди ва шундай бўлиб қолиши керак, деган мақсадни назарда тутадилар.**

Танзания, деб таъкидлади Ж. Ньерере, бутун Африка номидан «Африка мамлакатлариаро кучлар»ни ўзининг «Африка мамлакатлариаро кучлар» умуман сира тузилмайди. Бундай кучлар номига «Африка мамлакатлариаро» деб айтилса ҳам, аммо ҳақиқатда чет давлатларнинг қитъа устидан ҳукмронлик қилиши учун қурол бўлиб хизмат қилади. Шу планни амалга оширишда қатнашишга эҳтимол рози бўладиган Африка давлатлари ҳукуматларига мурожаат қилиб, биз бу соҳада бирон-бир иш кўришдан олдин бутун вазиятни чуқур чамалаб кўришга уларни даъват этамиз.

Танзания президенти СССР билан Кубанинг гўё Африкага «суқилиб кираётганлиги» тўғрисида шовқин-сурон кўтараётган Қўшма Штатлар бошчилигидаги Ғарб давлатлари пропагандасига зарба берди.

Президент сўзини давом эттириб бундай деди: айни вақтда нима учундир Африка ерида Франция, Бельгия ёки Англия қўшинларининг бўлишини тамомила табиий бир ҳол деб ҳисобламоқдалар. Масалан, Африканинг кўпгина қисмида Франция ўз қўшинларига эга. Ғарб мамлакатлари Африкани ўз «таъсир доираларидаги» қитъа деб ҳисоблашмоқдалар ва шунга мувофиқ равишда иш кўрмоқдалар. Африка қитъасидаги ҳозирги воқеалар Африка озодлигига ҳаммадан кўп ва бевосита таҳдид Ғарб блокига қўшилган мамлакатлар томонидан бўлаётганлигини кўрсатиб турибди.

Ғарб мамлакатлари блокига аъзо бўлмаган бирон-бир мамлакатнинг қўшини Африкага келса, «хавф бор» деган овозлар эшитила бошлайди. «Ким хавф остида қолади?» деб савол беради Танзания президенти, африкаликларнинг озодлиги хавф остида қолаётгани, ёки эндиликда қалтис-роқ воситалар билан ва Африкадаги бешинчи колонна ёрдамида собиқ мустамлакачи давлатлар ва иттифоқчиларининг ҳукмронлиги хавф остида бўлаётгани? бу саволга бериладиган жавоб мутлақо равшан.

Жанубий Африка Республикаси ва Родезия Анголага, Замбия, Мозамбик ва Ботсванага бостириб киришни давом эттирмоқда, деди Ж. Ньерере.

«Африкадаги аҳвол»ни муҳокама қилиш учун кейинги вақтларда Ғарб давлатлари ўтказаётган ҳар хил кенгашларга тўхталиб, президент бу кенгашларда Африка проблемаси эмас, балки Африка устидан ҳукмронликни давом эттириш, уни эксплуатация қилиш, янги мустамлакачилик позицияларини мустаҳкамлаш проблемаси муҳокама қилинмоқда деб айтди. Аммо Африка мустамлакачиликка қарши қандай курашган бўлса, янги мустамлакачиликка қарши ҳам шундай курашни бугунми-эртами бошлайди ва оқибат-натижада ғалаба қозонади, деб уқтириб ўтди Ж. Ньерере.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—ҲАММАНИНГ МУЛКИ

ШИРИН ҚОВУНЛАР КЎПАЙСИН

ОХУНБОБОЕВ РАЙОНИ 4.000 ТОННА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ТАШАББУСИНИ БОШЛАДИ

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 7 май сонида республикамиз полизчиларининг конкурс-кўргазмаси шартлари эълон қилинди. Шу муносабат билан Фарғона область, Охунбобоев райони меҳнаткашларининг партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ходимлари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институтининг республикада хизмат кўрсатган агрономи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди А. Каримов полиз экинларидан юқори ҳосил етиштириш тадбирлари ҳақида доклад қилди.

Охунбобоев райони кейинги йилларда қовун, тарвузларнинг қадимий навларини тиклаш, мавжудларини ҳаётга татбиқ этиш, уруғчиликни яхшилаш, ширин-шакар ва узоқ сақланадиган, мамлакатимизнинг узоқ ўлкаларига юборишга мўлжалланган қовунлар етиштиришда донг таратмоқда. Шу райондаги «1 Май» колхозининг аъзоси Абдасхон ота Алигавҳаров ўтган йилги конкурс-кўргазмада республикамиз полизчилари орасида биринчи ўринни олиб, «Жигули» енгил машинаси билан мукофотланди.

Районда янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига полизчорлар кенгайтириляпти, фан-техника ютуқлари, агротехника тадбирлари, бободеҳқонлар тажрибаси кенг қўлланилиб, ҳосилдорлик оширилмоқда. «Правда», «1 Май» Фрунзе номли колхозлар ва бошқа қатор хўжаликларда суғорилмайдиган ёки жуда кам суғориладиган ерларда қовун, тарвуздан катта хирмон кўтариляпти, полизчиликда азотли ўғитларни ишлатмаслик, шу йўл билан маҳсулотларнинг ширалик даражасини ошириш одат тусига киритиляпти.

Езёвон чўлларида қадимдан экилиб келинаётган ва сақлаб қолинган «Обиноввот», «Шакарпалак», «Жўрақант», «Оққовун», «Хўкизкалла», «Кийиктумшуқ» ва бошқа турдаги қовунлар халқимизга манзур бўляпти.

Фарғона водийсининг бободеҳқонлари республикамиз қовунчилигига ўттиздан ортиқ ноёб қовун навларини қўшганги мамнунлик билан қайд этилди. Қовунлар кўпроқ қўриқ ерлар, бедапоялар ўрнида, партов жойларда етиштириляпти, майдонлар 35—40 сантиметр чуқурликда шудгорланиб, гектар ҳисобига 25—30 тонна маҳаллий ўғитлар солиняпти. Қовун, тарвуз пайкалларига минерал ўғитлар, жумладан азот солиш бутунлай ман этилди.

— Мен Фарғона водийсида етиштириладиган қовун навларидан 28 хилини экиб, мўл ҳосил ва юқори сифатли уруғ оляпман, — деди Абдасхон ота. — бу йил коллекциядаги навлардан ташқари яна 8 хил қовун уруғини алоҳида майдонларга эздим. Халқимизга 217 тонна ширин-шакар қовун, «Сортсемовошч»га эса камида бир тонна юқори сорт уруғ армуғон этаман. Барча колхозлар, совхозларда қовун, тарвуз билан бир қаторда сараланган уруғлар етиштиришни кенг йўлга қўйишимиз керак. Тажриба «Оққовун», «Обиноввот», «Оқтумшуқ», «Асати» навларининг ҳар тоннасидан 100 килограммдан, «Оқпар», «Умрбоқи», «Кўкгумна» навларидан 200 килограммдан сортли уруғ олиш мумкинлигини кўрсатди.

«Правда» колхозининг полизчилик бригадири Бегали Эралиев «хокоб» ерларда деҳқончилик қилиб, «Қораумрбоқи», «Қизилқирқим» навларидан 400 тонна қовун, 200 килограмм уруғ тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларини гапириб берди. «Ленинизм», «Солиқонобод», Фрунзе номли колхозларнинг Турсунбой Тожибоев, Абдуллажон Исоқов, Оқилхон ота Эшоновлар бошлиқ бригадаларида ҳам кўп, ширали, узоқ сақланадиган қовунлар етиштириш соҳасида социалистик мусобақа кучайтирилмоқда.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Пўлатов полизчилар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Полизчиликни ривожлантириш учун катта ер майдонлари ажратиляпти, сув, техника воситалари бериляпти. Ундан самарали фойдаланиш, халқимизга кўплаб қовун, тарвуздан ташқари қовун қоқи ҳам етказиб беришимиз керак.

Бободеҳқонларимиз ўзлари етиштирган полиз маҳсулотларининг ширинлиги билан шуҳрат қозонганлар, деҳқонларимиз бу меросдан оқилона фойдаланмоқдалар, бемаза, «азот ёғи»га қовурилган маҳсулотлар тобора камайяпти. Айрим кишилар бемаза қовун, тарвузлар етиштираётган эканлар, улар азотли ўғитларни қалбаки йўллар билан тоғяптиларки, унга қарши қаттиқ ўт очишимиз керак.

Районда эртаги, ўртаги, кечки қовунлар етиштирилади. Муҳим вазифа ҳамма қовунлардан юқори ҳосил олишимиз керак. Эртаги, ўртаги қовунлар экиб бўлинди, табиий офатлар юз беришига қарамай кўчатлар бир текис ундириб олинди, агротехника қоидалари асосида парвариш қилиняпти. Эндиги вазифа кечки қовунлар экиладиган майдонларни тезроқ тайёрлаш, сараланган уруғлик жамғариш, лаборатория анализидан ўтказишдан иборат. Кечки полиз экинларини ҳам узоғи билан бир ҳафта ичида экиб бўлиш керак.

Полизчилик мутахассислари ширин-шакар қовунларни кўпайтиришга бошчилик қилишлари лозим. Полизчилик шуҳратини ошириш, унга доғ туширмаслик учун қурашиш уларнинг диққат-марказида бўлиши керак. Ҳар гектар майдонга камида 25—30 тонна майдаланган гўнг, қўй қийи, эски иморатларнинг тупроғи солинса ҳам ҳосилдорлик кўтарилади ҳам қовун, тарвуз таркибидаги шира кўпаяди. Тайёрлов пунктлари, колхоз, совхоз дўконлари, бозорларга полизчилар шаънига истеъмолчилар раҳмат айтадиган мазали маҳсулотлар жўнатишга эришайлик! Халқ, давр талаби шундай.

Полизчиликка ихтисослаштирилган бригадаларга ўқимишли, ташкилотчи, бой тажрибага эга бўлган кишилар раҳбарлик қилмоқда, хўжаликларнинг раҳбарлари уларга бўлган талабчанликни кучайтириш билан бир қаторда амалий ёрдам беришлари, қадимий навларни тиклаш, янги навлар яратиш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Шу йил 23—24 августда район полизчиларининг конкурс-кўргазмасини ўтказиш, ширинак мусобақаси ташкил этилиб, ғолибларни рағбатлантиришга қарор қилинди.

Охунбобоев райони полизчилари бу йил халқимизга 4.000 тонна ширин-шакар полиз маҳсулотлари етказиб беради.

М. НАЗАРОВ,
Ю. ЗИЕДОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.



ШАРҒУН БРИКЕТ ФАБРИКАСИДА

Шарғун брикет фабрикаси йилига 160 минг тонна брикет тайёрлаб беради. Бундан ташқари 12 минг тонна фойдаланишга тайёр кўмир чиқаради. Яқинда штатсиз рассоримиз Олег Циганов ана шу фабрикада бўлиб, корхона илғорлари ҳамда бу ернинг ўзига хос манзараларини чизиб қайтди. Юқоридаги расмда Шарғундаги осма йўл акс эттирилган. Ўртадаги расмда эса фабриканинг илғор бункерчиси Димитрий Турчин ва пастдаги расмда тайёр маҳсулотларни вагонларга юклаш пайти тасвирланган.



реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

СССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ
«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»
1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН УРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МИРЗАЧЎЛ КОММУНАЛ-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ
(Янгиер шаҳри, Набережная кўчаси, 7-уй)
Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг техник эксплуатацияси, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.
Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

ЯНГИЕР ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
(Оқолтин район маркази, Сардоба посёлкаси)
Кундузги ўқишга: сув хўжалиги системаларидаги автоматик қурилмалар эксплуатацияси, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, автотранспорт эксплуатацияси.
Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, автотранспорт эксплуатацияси.

ИЛЬИЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ
(Сирдарё область, Пахтакор райони, 26-совхоз)
Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКУМИ
(Жиззах шаҳри, Целиноградская кўчаси, 19-уй)
Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, қурилишда планлаштириш.
Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.
Сиртқи ўқишга: гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, қурилишда планлаштириш.

ҚАРШИ ПОЛИТЕХНИКУМИ
(Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 405-уй)
Кундузги ўқишга: электр станциялари, тармоқлари ва системалари, саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.
Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

НУКУС ШОЛИКОРЛИК ТЕХНИКУМИ
(Нукус шаҳри, микрорайон, 24-квартал)
Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

ШАҲРИСАБЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ
(Шаҳрисабз шаҳри, К. Маркс кўчаси, 28-уй)
Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.
Сиртқи ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

ЗАФАРОБОД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
(Тожикистон ССР, Зафаробод, Титов кўчаси, 3-уй)
Кундузги ўқишга: гидротехник қурилишлар, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш.
Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация.

Техникум директори номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (кадрлар бўлими бошлиғи ёки корхона раҳбари тасдиқлаган), корхона томонидан берилган йўлланма (ишлайдиганлар учун) 3Х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат (бош кийимсиз).
Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ТЕХНИКУМЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УМУМИЙ АСОСЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кундузги бўлимга кирувчилардан аризалар тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига 1 августгача, ўрта маълумотлилар группасига 15 августгача, кечки бўлимга кирувчилардан аризалар: тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига 6 августгача, ўрта маълумотлилар группасига 15 июндан 16 ноябргача; сиртқи бўлимга кирувчилардан аризалар 10 августгача; мавсумий иш билан боғлиқ бўлган мутахассисликка эга бўлганлардан 2 октябрдан 1 декабргача қабул қилинади.

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

ШАХМАТ

УЧ ПОҒОНА ЮҚОРИ

Қишлоқ шахматчиларининг мамлакат биринчилиги якунланиши арафасида барча командалар қурашни жуда қизитиб юбордилар. 1-6 ўринлар учун курашаётган командаларнинг пешқадами РСФСР шахматчилари билан Грузия вакиллари ўртасидаги баҳсда ҳеч ким назарда тутмаган ҳисоб рўй берди. Командаларнинг пешкадамлари халқаро гроссмейстерлар Р. Холмов билан Б. Гургенидзе тез орада битимга имзо чеккан бўлсалар, аёллар тахтасида ҳам кўп ўтмай шундай натижа қайд қилинди. Аммо, учинчи ва олтинчи тахталарда грузияликлар устун келиб, ҳисобни ўз фойдаларига (3:1) ҳал қилдилар. Кечиктирилган икки ўйинда улар яна бир ярим очко олиб, ҳисобни 4,5:1,5 га етказдилар.

Бу тўртинчи тур бошлангунга қадар иккинчи ўринни ишғол қилиб турган латвияликларга жуда қўл келди. Улар тўртинчи турда Туркманистон шахматчиларини 4:2 ҳисобида енгиб, биринчи ўринга чиқиб олдилар. Ўзбекистон вакиллари эса Молдавия командаси билан учрашишди. Пахтакорчилар пешқадами, Ўзбекистон чемпиони Игорь Иванов бу сафар ҳам ўзининг юксак маҳоратини кўрсатди. Халқаро гроссмейстер Анатолий Лютиковга қарши курашда у бир оз афзалликка эришиб, пиёда ютиб олди. Лекин, буни ютуққа айлантириш осон эмас эди. Иванов бунинг ҳам йўлини топди. Республика чемпиони олти ўйиндан тўртасини ютиб, иккитасини дуранг қилди.

Иккинчи тахтада Александр Цамрюк қишлоқ шахматчилари ўртасида мамлакат чемпиони В. Гавриков билан дурангга эришди. Ўсмирлар тахтасида Дамир Латипов мастерликка номзод И. Фаерман билан учрашиб, ноқулай вазиятга тушиб қолди. Аммо кейинчалик у шундай чиройли юришларни топдики, рақиби эсанкираб дурангдан ҳам қуруқ қолди. Бу пахтакорчилар учун жуда муҳим ютуқ бўлди.

Биринчи уч соврин тақдири якунловчи тур учрашувларида ҳал бўлиши кутиларди. Ўзбекистонликлар Грузия шахматчилари билан куч синашдилар. Танаффусгача ҳисоб вакилларимиз фойдасига 3,5:1,5 бўлиб, икки ўйин кечиктирилди. Биринчи марта ўйинлар давом эттирилганда Цамрюк енгилди. Фокин билан Т. Кикиани учрашуви эса такрор кечиктирилди. Охирги турда РСФСР шахматчилари Туркманистон командасини 4,5:1,5 ҳисобида енгиб, очколарини 17 тага етказдилар ва биринчиликни олдилар. Молдавияликлар тугаган беш ўйинда (3,5:1,5) латвияликлардан устун келдилар. Кечиктирилган икки ўйинда улар яна бир ярим очко олиб, ҳисобни 4,5:1,5 га етказдилар.

Бу ғалабанинг ўзи ҳеч ким кутмаган ҳисоб рўй берди. Командаларнинг пешкадамлари халқаро гроссмейстерлар Р. Холмов билан Б. Гургенидзе тез орада битимга имзо чеккан бўлсалар, аёллар тахтасида ҳам кўп ўтмай шундай натижа қайд қилинди. Аммо, учинчи ва олтинчи тахталарда грузияликлар устун келиб, ҳисобни ўз фойдаларига (3:1) ҳал қилдилар. Кечиктирилган икки ўйинда улар яна бир ярим очко олиб, ҳисобни 4,5:1,5 га етказдилар.

Бу тўртинчи тур бошлангунга қадар иккинчи ўринни ишғол қилиб турган латвияликларга жуда қўл келди. Улар тўртинчи турда Туркманистон шахматчиларини 4:2 ҳисобида енгиб, биринчи ўринга чиқиб олдилар. Ўзбекистон вакиллари эса Молдавия командаси билан учрашишди. Пахтакорчилар пешқадами, Ўзбекистон чемпиони Игорь Иванов бу сафар ҳам ўзининг юксак маҳоратини кўрсатди. Халқаро гроссмейстер Анатолий Лютиковга қарши курашда у бир оз афзалликка эришиб, пиёда ютиб олди. Лекин, буни ютуққа айлантириш осон эмас эди. Иванов бунинг ҳам йўлини топди. Республика чемпиони олти ўйиндан тўртасини ютиб, иккитасини дуранг қилди.

Иккинчи тахтада Александр Цамрюк қишлоқ шахматчилари ўртасида мамлакат чемпиони В. Гавриков билан дурангга эришди. Ўсмирлар тахтасида Дамир Латипов мастерликка номзод И. Фаерман билан учрашиб, ноқулай вазиятга тушиб қолди. Аммо кейинчалик у шундай чиройли юришларни топдики, рақиби эсанкираб дурангдан ҳам қуруқ қолди.

БУГУН ТОШКЕНТДА САМБО БЎЙИЧА СССР ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛАДИ

КУРАШ ГИЛАМИ ЧОРЛАМОҚДА

Пахтакор ўлка пойтахтида яна бир йирик мусобақа бошланмоқда. Самбо қураши ёки қуролсиз ҳимояланиш беллашуви деб аталувчи спорт тури бўйича мамлакатимизнинг энг кучли самбочилари чемпион номини олиш учун кураш гиламига шайланиб турибдилар. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири СССРда хизмат кўрсатган тренер, Ўзбекистон ССР терма командасининг катта тренери Г. КАЛЕТКИН билан учрашиб, самбочиларнинг мусобақага тайёргарлиги хусусида суҳбатлашди.

— Тинчлик, дўстлик, қардошлик шаҳри Тошкент халқаро ва мамлакат миқёсида ўтказилувчи спорт мусобақалари пойтахтига ҳам айланиб бормоқда. Бугун энг кўркам спорт масканларидан ҳисобланган марказий «Юбилей» саройида Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган 250 га яқин самбочи мамлакат чемпиони номини олиш учун беллашуви бошлайди. Мусобақада «Динамо», «Труд», «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятларининг вакиллари, армиячи спортчилар ҳамда қишлоқ кўнгилли спорт жамиятларининг аъзолари тўрт кун мобайнида ўз маҳоратларини кўрсатадилар.

Мамлакатимизда самбо кураши бўйича мусобақалар бундан қирқ йил муқаддам илк марта ўтказилган эди. Шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистон пойтахтида старт олаётган шахсий чемпионат баҳсларини ўзига хос юбилей беллашувлари деб атаса ҳам бўлади. Мухлислар байрамона безатилган «Юбилей» спорт саройидаги ўчта кураш гиламида таниқли самбочи, мамлакат мутлақ чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Виталий Кузнецовнинг чиқишларини томоша қилишга муяссар бўладилар. Бундан ташқари Европа ва жаҳон чемпионлари Александр Пушниц билан грузин курашчиси Иосиф Магалашвилли, етти марта мамлакат чемпиони Константин Герасимов, жаҳон чемпиони Александр Фёдоров сингари моҳир курашчиларнинг беллашувлари бағоят қизиқарли бўлади деган умиддамиз.

Ўзбек самбо мактаби ҳам бир қатор моҳир курашчиларига эга. Чунончи, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари, жаҳон чемпионлари Сайфиддин Ходиев ва Собир Курбонов, халқаро классли спорт мастерлари, Европа чемпионлари Мелс Ан, Владимир Сободирев, Баҳром Оқилов сингари самбочилар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бугун Тошкентда бошланадиган шахсий чемпионат баҳсларида республикамиз спорт шарафини 20 га яқин вакилимиз ҳимоя қилади. Динамочи Турсун Бадалов, пахтакорчи Гаффор Останаев, тошкентлик Комил Иботулин, бухоролик динамочи Комил Юсупов, самарқандлик студент Фурқат Вафоев каби умидли самбочилар курашга шайланиб турибдилар.

Чемпионат мусобақаларининг ташкилий жиҳатдан намунали ўтиши учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Ғолибларни алоҳида совринлар ва эсдалик буюмлари кутмоқда. Ўйлаймизки, самбочилар беллашуви қизғин спорт курашларига бой бўлиши билан бирга, мухлисларда унутилмас таассурот қолдиради.

УЧРАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **СССР ЧЕМПИОНАТИ.** Олий лига командалари ўртасида футбол бўйича навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Бунда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Динамо» (Тб) — «Зенит» — 3:1, «Черноморец» — «Торпедо» — 2:1, «Шахтёр» — «Локомотив» — 2:1, «Днепр» — ЦСКА — 1:2, «Заря» — «Қанат» — 2:2, «Динамо» (К) — «Нефтчи» — 1:1, «Спартак» — «Арарат» — 3:0.

● **ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ.** Жаҳон ноёби учун курашаётган 16 команда группа ғолиблиги учун ўтказилган учрашувларни тугатди. Учинчи тур ўйинлари қуйидагича ўтди: Италия — Аргентина — 1:0, Франция — Венгрия — 3:1, Мексика — Польша — 1:3, Тунис — ГФР — 0:0, Швеция — Испания — 0:1, Бразилия — Австрия — 1:0, Шотландия — Голландия — 3:2, Перу — Эрон — 4:1. Шундай қилиб, Италия, Аргентина, Польша, ГФР, Бразилия, Австрия, Голландия ва Перу командалари финал группани ташкил этиб, курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

● **КЛАССИК КУРАШ.** Запорожьеда СССР чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Чемпионлик учун курашаётганлар орасида республикамиз вакилларидан Комил ва Шомил Фаткулин, В. Аннкин, А. Баранов, В. Тепляков, Р. Иброҳимов, А. Гришколар бор. Мутахассислар таниқли курашчи, жаҳон чемпионатининг қумуш совриндори Комил Фаткулининг чиқишларига катта умид боғлаб туришибди.

● **РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ.** Рус шашкаси бўйича Тошкентда ўтказилаётган мусобақаларда ҳозирча саккиз очко билан А. Тоштемиров пешқадамлик қилмоқда. Ш. Еқубов, И. Фридман, Я. Фридманлар 7,5 тадан очко тўплашган.

Ахборот

СУРХОНДАРЁ

ЙИРИК ПАХТА ЗАВОДИ

Шеробод — Сурхон чўлларида ташкил этилган қўриқ Ленин йўли районида биринчи йирик корхона — пахта тозалаш заводи маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Завод ишчилари ҳар куни 45-50 тонна аъло сифатли пахта толаси ишлаб чиқаряптилар. Корхона коллективи йил охирига борибҳар ойда 500 тоннадан зиёд тола ишлаб чиқара бошлайди.

МУЙҚАЛАМ УСТАСИ

Термиздаги область ўлкани ўрганиш музейида термизлик ёш рассом Чоршанби Маматқулов ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада Сурхон водийсининг ўтмиши ва ҳозирги қиёфасини тасвирловчи картина, полотно ва ҳайкаллар қўйилган.

Томошабинлар Чоршанби мўйқаламига мансуб «Она ҳайкали», «Қуёвтепа қазилмалари», «Шеробод чўли манзаралари», «Хирмон», «Муқаддас қуёш», «Сурхон қизи», «Тоғлиқ чол», «Қизил олма қишлоғи» каби 30 га яқин картина ва ҳайкалларга юксак баҳо бердилар.

Рассом Термиз районидаги Ломоносов номли мактабда ўқиб юрган кезларида рассомчиликка ихлос қўйди. У 10-синфни битиргач, Душанбадаги рассомчилик билим юртига ўқишга кириб, уни 1963 йилда муваффақиятли тамомлади. Сўнгра Совет Армияси сафларида хизмат қилиб келди. Ёш рассом-ҳайкалтарош Чоршанби Маматқулов ҳозирги пайтда область педагогика билим юртида ёшларга бадиий графикадан таълим бериб келяпти. У ҳамиша изланишда. Ижоди кун сайин камол топиб боряпти.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/VI да **Оққуш кўли**, 14/VI да **Флория Тоска**, 15/VI да **Оламнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/VI да **Парвона**, 14/VI да **Оқшомдан тушгача**, 15/VI да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/VI да **Шаҳзода ва етим қиз**, 15/VI да **Олифта**.

Қойилмақом хаёлпараст — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «КУКЧА» (кундуз ва кечкурун).

Гайдулар шарафи — ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.20).

Транссибирь экспресси — «ХИВА» (20.45, 22.20).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАПКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45).

Синаш — «НУКУС» (кундуз ва кечкурун).

Мўйловли энага — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Идзулин рақсоси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон Театр жамияти, Муҳиддин Қори Еқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси дирекцияси, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари филармония солисти, республикада хизмат кўрсатган артист Қ. Искандаровга укаси, «Гўзал» ансамблининг солисти

Рўзимбек АВАЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55— Бадиий фильм. 11.10 — Ҳайвонот оламида. 12.10— П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс, 1-тур. 15.30 — Телетомошабинлар хатларига жавоблар. 16.15 — «Звездочёт». 17.15 — А. Твардовский. Поэмалар. 17.45 — Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Расмларда қуёш акси бор. 19.00 — Инсон ва қонун. 19.30 — Халқаро конкурслар лауреати С. Лейферкус қуйлайди. 19.50 — Она (бадиий фильм). 21.30 — Вақт. 22.00 — Концерт. 23.15 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Қувноқ пионер ёзи. 18.30 — «Фан» программаси. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Телевизион театр. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.00 — Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик. 22.15 — Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Матвей Кожемякин ҳаёти (бадиий фильм, 2-серия). 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Ўқув программаси. 21.05 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.25 — Физика.

Радио

8.30 — Халқ талантларининг концерти. 9.30 — М. Қориев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 11.15 — «Машиний хизмат—ҳамманинг иши». 11.25 — Композитор Д. Сайдаминова ва Ш. Шоҳмардонова қўшиқлари. 12.00 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — «Ғўшт етиштиришни кўпайтириш истиқболи». 13.30 — Чет эл эстрада артистлари ижро этади. 14.00 Мутахассислар маслаҳати. 16.10 — «Ер ташвишлари». Радиоҳикоя. 18.30 — Москва. 18.50 — «Ёшлик». 19.40 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 — «Буюк мутафаккир». 22.30 — Совет экрани куйлари. 23.20 — Лирик қўшиқлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; «Ахборот» ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; халқлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02502. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 134.